Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 145 (20. 412) • 1989 йил 20 июнь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ

Шартлашилган — аҳдлашилгани, лафз қилинган. Шартнома мажбуриятн томонлар хоҳиш-иродасини ифода этадики, бу билан бир эмас, бир неча коллектив у ёки бу масъулиятни зиммасига расман олади. Расманлиги шартноманинг имзоланиши орқали намоён бўлади. Шартнома мажбуриятн экономика тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда, коллективлар фаолиятини баҳолашда ҳал қилувчи кўрсаткич даражасига кўтарилди.

Партия XXVII съезди ишлаб чиққан иқтисодий сиёсат туфайли давлат корхоналари енгил нафас ола бошлади. Туб иқтисодий ислоҳот меҳнат коллективлари фаолиятида катта эркинликлар яратади, шартномалар асосида ишлаш корхоналар фаолиятидан кенг ўрин олмоқда. Бу тартибда ишлаш мавжуд ижтимоий талабларга, одамларнинг эҳтиёжини қондиришга мос бўлиб тушмоқда. Шартнома мажбуриятлари самарадорлик ва сифат кўрсаткичларини яхшилаб бориш, ишловчиларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини оширишга, коллективларда ташаббускорлик ҳамда социалистик омилкорликни рағбатлантиришга ёрдам бераётир.

Давлат олдида ва шериклар олдида зиммага олинган шартнома мажбуриятлари асосида ишлаш дастлабки қувончлар келтира бошлади. Республикада давлат буюртмасига мувофиқ ва истеъмолчилар билан тузилган шартнома талабига кўра бевосита алоқалар орқали маҳсулот етказиб бериш яхшиланиб бораяпти. Шартнома мажбуриятларини адо этишда силжишга эришилмоқда. Ўзбекистон ССР саноати шартнома мажбуриятини 1988 йилдаги 98,9 ўрнига бу йил январь—апрель ойларида 99,3 процент бажарди. Саноат маҳсулоти тайёрлаш 7,1 процент кўпайди. Кейинги вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириб боришга эътибор кучайгани сезилмоқда. Йил бошидан буён кўзда тутилгандан 261 миллион сўмлик кўп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Янгича ишлаш корхоналар техника-иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ривожланишига катта имкониятлар яратмоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун талабларини муқаддас деб билган ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари кўмир, нефть ва табиий газ қазиб олиш план-топшириқларини ошириб адо этдилар. Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги шартнома интизомини мустаҳкамлаш, ишчи коллективларининг пировард натижаларидан баҳраманд бўлишини ошириб боришга алоҳида эътибор қилмоқда. Бу эса тармоқда шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлашда олга қараб силжиш томон йўл очди. Ушбу тармоқ корхоналари шартнома мажбуриятларини 1987 йил 4 ойида 98, 5 процент бажарган бўлса, ўтган йили 99,4 процентга кўтарди, бу йил январь—апрель ойларида эса 99,9 процентга етказгани ана шундай силжишдан дарак бериб турибди.

Очиқчасига айтганда, булар ҳали юксалишнинг шаҳдам одимлари йўлига тўла ўтиб олинди, деган гап эмас. Республика индустриясининг 4 ойлик фаолияти таҳлили шартнома мажбуриятлари бажарилишида талайгина камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг республиканн социал-иқтисодий ривожлантиришнинг январь—апрель ойлари якунлари муҳокамасига бағишланган мажлисида таъкидландики, эришилган натижалар ҳамон йиллик, умуман беш йиллик программани муваффақиятли рўёбга чиқариш учун ҳозирча мустаҳкам замин ва ишончли кафолот бўлолмайди.

Хўш, шартнома мажбуриятлари тўла-тўкис бажарилмаслигига нималар сабаб бўлмоқда? Аввало шуни айтиш керакки, ҳамон план интизоми талабларига беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари барҳам топмаган. Баъзи корхоналарнинг раҳбарлари қайта қуриш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида лоф уриб гапирадилар-у, амалда қайта қуриш берган афзалликлардан ўз билганларича, айтиш мумкинки, нотўғри фойдаланмоқдалар. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга кўра, корхоналарда меҳнат коллективи кенгашлари тузилди. Бироқ бундай кенгашларга таянган ҳолда корхона раҳбарлари майли билан планларни камайтиришга интилиш кучайганлиги фактини ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди. Бундай йўл тутиш охир-оқибатда вақтинчалик [ҳа, вақтинчалик!] фаровонликка умид қилиб, социал масалаларни ҳал этишга салбий таъсир кўрсатиши ҳисобга олинмаяпти. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бўйича халқ истеъмоли моллари тайёрлаш планлари миқдори давлат топшириғидан 60 миллион сўм кам бўлиб чиқди. Бундай «кам чиқиш» республика миқёсида 356 миллион сўмни ташкил этди.

Янгича ишлаш шароитларига қўникишда сусткашлик аломатлари кўриниб турибди. Сифатли маҳсулот тайёрлаш устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Қатор корхоналарда мавжуд стандартлар талабига мос келмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда. Таассуфки, бундай аҳволни ўнглаб олиш юзасидан жиддий тадбирлар кўрилаётгани йўқ. Маҳсулотларнинг давлат қабули технология интизоми юзасидан қаттиқ талаблар қўймоқда. Шунга қарамай, давлат қабули шароитида ишлаётган корхоналарда йил бошидан буён маҳсулотнинг 7 процентн дастлабки тақдимда қабул қилинмади. Бутунлай нобоп деб топилган маҳсулотлар ҳам оз эмас. Бу билан қанча меҳнат, материал ва маблағ зое кетганига етарли баҳо берилмаяпти.

Мажбуриятлар барқарор бажариб борилишига ҳалақит бераётган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Бу аксарият меҳнатни ташкил этишдаги нўноқлик, ўзибўларчилик, штурмчилик оқибатида содир бўлмоқда. Апрель ойи сўнгги ҳафтасида машинасозлик тармоғининг баъзи корхоналарида иш меъёри бузилди. Андижондаги «Электродвигатель» заводи ойлик маҳсулотнинг 42 процентн ҳажмида электр мотор тайёрлади. Тошкент экскаватор заводи ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ойлик маҳсулотнинг 84—63 процентн миқдорида трактор берди.

Вазифа — олга силжиш суръатларини тезлаштириш, юксалишга ҳалақит бераётган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этишдан, меҳнатни ташкил қилишнинг қайта қуриш вақтида юзага келган янги усулларига кенг йўл очиб беришдан иборат. Тармоқ министрликлари, идоралар, корхоналар юз берган аҳволни синчиклаб ўрганишлари, шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъмин этадиган тадбирлар кўришлари талаб қилинмоқда. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари кадрлар масъулиятини ошириш, ишчи коллективларн эҳтиёжларини қондириб боришга ҳизмат қиладиган чораларни амалга оширишда хўжалик органларига астойдил мадад кўрсатишлари зарур.

Шартнома мажбуриятларини қадам-баҳадам бажариб бориш — жонажон, муқаддас иш. Бу партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари рўёбга чиқарилишига қўшиладиган муҳим ҳиссадир.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари комитетининг раиси адмирал У. Крау Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. У Совет Иттифоқига СССР ҳарбий кучлари бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали М. А. Моисеевнинг таклифига биноан келди.

Меҳмон Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида бўлди.

У. Крау Самарқандга борди, кўҳна шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини томоша қилди.

(ЎзТАГ).

• РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА •

ПАРВАРИШГА ЗЎР БЕРИЛМОҚДА

Бу йилги табиат қийинчиликлари яккабоғлик деҳқонларга анчагина ноқулайликлар туғдирди. Миришкорлар мавжуд 15700 гектар ернинг 14 минг гектарига қайта чигит экдилар.

Экиш-тикиш ишлари агротехника талаблари асосида намунали уюштирилганлиги учун ҳам барча майдонларда уруғ бир текис униб чиқди. Яшил ниҳоллар зудлик билан культивация қилинди. Ишлов бериш давомида озиқлантирилмоқда, колхоз ва совхозларда 310 та культиватор таққан агрегат юксак унум билан ишлатилаётир.

Шу кунларда районнинг Энгельс номли, «Равда», «Қизил Ўзбекистон», «Ленинизм» колхозларида ўсимликнинг учинчи парвариши давом эттириляпти. Кўнгилдагидек парварниш қилинаётган ғўзалар баравж.

Кўп жойларда ғўзани суғориш бошлаб юборилди. Бу иш, айниқса Энгельс номли колхозда намунали ташкил этилмоқда.

— Кун қизиб кетди. Ғўзаларни энди суғормаса бўлмайди, — дейди бригада бошлиғи С. Алиқулов. — Акс ҳолда ниҳоллар илдиз чириш касалига чалиниши мумкин. Обиҳаёт билан уларнинг илдизини амал олдирсак, марра бизники. Пахтанинг етилиши бироз кечиксада, ҳосилга путур етмайди. Ахир, бу йил гектаридан 35 центнер хирмон кутарамиз, деганмиз.

Колхознинг И. Чўтбоев, Б. Жўраев, С. Эргашев бошлиқ бригадаларида ҳам пайкаллардаги ниҳоллар бир текис ривожланмоқда.

Умуман, Яккабоғ районида ғўзанинг ривожланиши ёмон эмас.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. А. ҲОШИМИЙ-РАФСАНЖОНИЙНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ВИЗИТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг таклифига мувофиқ Эрон Ислом Республикаси ислом кенгаши мажлисининг раиси, Эрон Ислом Республикаси қуролли кучлари олий бош қўмондони вазифасини бажарувчи А. А. Ҳошимий-Рафсанжоний шу йил 20 июнда расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

• АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Янгича ишлаш самараси

Сариосиё районидаги Ленин номли колхоз йирик, сертармоқ хўжаликлардан. Колхоздаги ҳамма соҳаларда иш хўжалик ҳисобида олиб бориляпти. Янгича ишлашнинг самарали бўлишини дастлабки натижалар яққол кўрсатиб турибди. Масалан, хўжаликда тўл мавсумида қўзи олиш плани ошириб бажарилди. Ипак қурти боқиш даврида намунали иш юритилганлиги туфайли ҳар қути қурт уруғидан пландаги 57,1 килограмм ўрнига 68 килограммдан пилла олинди.

Давлатга эртаки сабзавот топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Айниқса, пахтазорларда иш қизғин. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай дала ишлари оби-тобида олиб борилаётганлиги туфайли барча пайкаллардаги ғўзаларнинг ривожини тезлатишга муваффақ бўлиняпти.

И. МАМАТҚУЛОВ.

Янгиариқ пиллакорлари маррада

Янгиариқ райони пиллакорлари бу йилги қийин шароитда омилкорлик билан иш юритиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлат қабул пунктларига ҳозиргача 174 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё топширишга муваффақ бўлишди. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан 6 тонна кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан териб олинган ҳосил 60 килограммдан ошиб кетди.

Қўлга киритилган меҳнат муваффақиятига «Коммунизм», «Москва», Аваз Ўтар номли, «Коммуна», «1 Май» ва Ленин номли колхозларнинг заршуносларн, айниқса баракали улуш қўшдилар. Районда мажбурият ҳисобига пилла топшириш жадал давом эттирилаётир.

Арнасой районидаги Тимошенко номли совхознинг Ҳикмат Қудратов бошлиқ бригадасига қарашли Бахтиёр Саломов етакчилик қилаётган озуқачилик звеноси далаларида арпадан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда мавжуд 30 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи Ҳ. Қудратов, агроном К. Азизов, звено бошлиғи Б. Саломовлар. 2. Илғор механизатор К. Турғунов. 3. Галла ўрилмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ суратлари.

ФАРҒОНА ВОҚЕАЛАРИНИНГ АКС-САДОСИ

ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

● Ўзбекистонинг минг-минглаб меҳнатчилари Фарғона водийсидаги фожиали воқеаларни ғазаб билан қораламоқдалар.

* * *

Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу ерда ўттиздан отриқ миллатга мансуб ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Фожиали воқеалар содир бўлган кунларда кўпгина шойи тўқувчилар ишга чиқишмаганлиги туфайли «Атлас» бирлашмасининг меҳнат мароми издан чиққан эди. Бирлашма шу вақт мобайнида мамлакатга уч миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни кам етказиб берди.

— Даҳшатли воқеаларни эслаганимизда қалбларимиз қаҳр-ғазаб ва аччиқ алам билан ларзага келмоқда, — деди республика Олий Совети депутати, тўқувчи А. Ҳабибуллаев.

— Мен украинман. 1936 йилдан буён меҳмондўст Ўзбекистон диёрида истиқомат қилиб келаман. Ўзбеклар билан қариндош тутиндим, — деди митингда бирлашма ишчиси Г. Чушеева. — Улар ўз қувончи ва ташвишини қўшнилари билан бирга баҳам кўришга тайёр бўлган очиқ кўнгил ва меҳрибон кишилардир. Бундай даҳшатли ёвузлик қандай содир бўлганига ҳеч ҳам ақлим бовар қилмайди.

Митинг қатнашчилари Марғилон меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар. Унда барча жамоат кучларини бирдамликка, сабр-тоқат кўрсатиш ва осойишталикка, кишилар ўртасида аҳиллик ва ҳамкорлик руҳидаги миш-мишларнинг пайини қиришга, меҳнат фаолиятини оширишга даъват этдилар.

* * *

Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхозда бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Фарғона областидаги безорилар қурбонлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсга олдилар. Митингда кишилар мана бундай дейишди:

— Биз мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар босқинчиларга қарши курашга биргаликда отланганликлари туфайли Улуғ Ватан урушида ғалаба қозондик, фашизмни тор-мор этдик. Халқлар дўстлиги давлатимиз қудратли бўлишига, қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклашмоқда, — деди уруш ва меҳнат ветерани К. Исломов. — Ўз ерларидан кўчириб юборилган месхети туркларининг қулфатини биз ўз қулфатимиз деб қабул қилдик. Кўпчилигимиз уларга ўз уйимиздан жой бердик. Мана, қирқ беш йилдирки, улар республика далаларида ҳалол меҳнат қилиб, Ўзбекистон бойлигини кўпайтиришмоқда. Қардошларимиз билан бизнинг ўртамизда адоват уруғини сочаётганларга шафқат йўқ.

— Фарғона водийсида содир бўлган воқеалар уятдир, — деб таъкидлади колхоз касаба союз комитетининг раиси Х. Абдуллаев. — Хўжалигимизда ўзбеклар, тожиклар, татарлар, руслар, корейслар аҳил яшаб, меҳнат қилишмоқда. Ҳеч қачон миллий негиздаги можаролар чиқмаган.

Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда Фарғонадаги воқеаларни пухта текшириш, айбдорларни жазолаш талаб этилган.

[ЎзТАГ мухбири].

• *Мухбиримиз бонг уради*

ВАЪДА БИЛАН САБЗАВОТ КЎПАЙМАЙДИ

Сабзавот, полиз, мева, узум, картошка ва шу каби дала неъматлари Озиқ-овқат программасининг таркибий қисмидир. Лекин Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида бу борада белгиланган планлар аксарият ҳолларда бажарилмай қолмоқда. Ўтказилаётган мажлисларда, ҳисобот йиғилишларида бу ҳол муттасил таҳқид остига олинса-да, иш олға силжимаяпти. Гапнинг очиғи, бу тур маҳсулотлар кўпайиш ўрнига камайиб кетмоқда.

Йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш, автоном республика пойтахти — Нукус шаҳри аҳолисн дастурхонини тўкин қилиш учун ўтган йили «Нукус» агросаноат комбинати тузилди. Бироқ (комбинат бош директори Қ. Айтбоев) аҳвол ўзгармади, таъминотдаги танқислик сақланиб колаверди. Қатор хўжаликларда ҳатто орқага сурилиш бўлди.

Қолоқлик сабабларидан бири — пиншиқчилик пайтида кўпроқ испофгарчиликка йўл қўйиляпти, — дейди «Нукус» агросаноат комитети бош директори ўринбосари Ўразимбет Аметов. — Тузган шартнома мажбуриятларимиз қўпол равишда бузилмоқда. Омборлар етишмайди. Савдо корхоналари вақтида маҳсулотни олишмаяпти.

— Бундай камчиликларга чек қўйишнинг иложи йўқми? — сўрадик «Қарақалпақплодоовощчпром» бирлашмаси бошлиғи Сапарбой Каримбоевдан.

— Хўжаликларда экинлар олдинма-кетин пишадиган қилиб навбат билан экилмайди. Эртаки, ўртаки ва кечки экинлар бир пайтда экилади ва бир пайтда пишиб етилади. Ўша пайтда маҳсулотни сақлаш ҳам, савдо ташкилотларига етказиб бериш ҳам қийинлашиб қолади. Натижада 20-30 процент миқдоридаги сабзавот, мева нобуд бўлади. Биз бу қийинчиликлардан қутулиш учун сабзавот ва меваларни қайта ишлаш корхоналарини кенгайтиришга энди эътибор бермоқдамиз.

Бундан ташқари, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда деҳқонларга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам талайгина. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Давлат агросаноат комитетларидаги ўртоқлар эса амалий ёрдам бериш ўрнига телеграмма, мактуб, кўрсатма юборишдан нарига ўтмаяпти-лар.

Масалан, кейинги йилларда деҳқончилик қилинаётган ерларнинг минерал ҳолати ёмонлашди. Ер ости сувларининг кўтарилиши, тупроқ шўрланиши туфайли 4000 гектарга яқин ер деҳқончилик оборотидан чиқиб қолди. Улардан олинадиган ҳосил йил сайин пасайиб кетяпти. Лойиҳага кўра гектарига 45 погон метр коллектор бўлиши керак. Амалда 9 метрдан ошмаяпти. Коллектор-дренаж тармоқларини кенгайтириш, тозалаш каби ишлар ўз холига ташлаб қўйилган. Бунинг устига Қорақалпоғистон автоном республикаси иқлимига мос тушадиган сифатли уруғлар етказиб беришда «Сортсемовощч» бирлашмаси фаолиятсизлик кўрсатмоқда.

— Ҳар йилнинг ўзига яраша ташвиши, қийинчилиги бўлади, — деди «Нукус» агросаноат комбинати бош директори Қурбонбой Айтбоев. — Қийинчиликларни деҳқонлар матонат билан енгишга ҳаракат қилишяпти. Лекин юқори ташкилотлар томонидан ёрдам керак бўлганда қийналиб қоляпмиз. Оқибатда эртаки сабзавотларнинг етилиши 25-30 кунга кечикиб кетмоқда. Масалан, эртаки сабзавот учун ҳар йили 100 тонна полиэтилен пленкасига буюртма берамиз. Амалда 3-4 тонна оламиз, холос. Уни ҳам вақт ўтиб кетганидан кейин беришади. Шу билан бирга республика сув хўжалиги раҳбарлари лимитдаги сувни вақтида беришмайди. Кераги-да сув ичмаган экин ҳосил беарармиди? «Нукус» агросаноат комитетига қарашли совхозларда сабзавот экишнинг ҳозирги аҳволи талаблар даражасида эмас. Аввало экин экиш кечиктириб юборилган.

«Нукус» совхозида 22 майгача 699 гектар ернинг 411 гектарига, «Партия XXVII съезди» совхозида 435 гектар ернинг 344 гектарига сабзавот экилди. Бошқа совхозлардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бир қатор совхозларда гектарларда тўла кўчат бўлишини таъминлаш назоратдан четда қолган. Аммо хўжаликларда ҳам, район агросаноат бирлашмасида ҳам аҳволни жиддий таҳлил этиб, амалий чоралар кўриш ўрнига мутасадди ўртоқлар «Ҳечқиси йўқ планни албатта бажарамиз», дея ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Наҳотки, улар ваъда билан сабзавот кўпаймаслигини билишмаса?

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республика ҳукумат комиссиясида

Республика партия-хўжалик активлари йиғилишининг қарорига мувофиқ ҳукумат комиссияси Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг, Министрлар Советининг раҳбарлари, Иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идораларининг вакиллари билан биргаликда Фарғона водийсидаги областларни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларини кўриб чиқди.

Андижон, Наманган, Фарғона областларидаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш, бу ерда 1989—1990 йилларда қўшимча равишда 150—200 минг иш жойи барпо этиш мақсадида кўп меҳнат талаб қиладиган, экологик жиҳатдан мусаффо ишлаб чиқаришни—тиқувчилик, трикотаж, радио ва электрон саноатини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар томонлама қайта ишлаш корхоналарини тез кенгайтиришга қаратилган махсус программани ишлаб чиқишга доир тадбирлар муҳокама қилинди. Бунинг учун кам банд бўлган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ҳисобга олишга, тез бунёд этиладиган модулларни кенг қўлланишга, зарур бўлиб қолган ҳолларда маъмурий бинолардан фойдаланишга қарор қилинди.

Уй-жойлар ва социал-маданий-маиший объектларни қуриш муаммоси алоҳида бўлим қилиб ажратилди. Пахта яккаҳокимлигини тугатиш, водийдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш, онла ижарасига ва пудратга бериладиган ер майдонларини кўпайтириш юзасидан катта тадбирлар белгиланди.

Экология вазиятини соғломлаштиришга, химия, нефть химияси корхоналарида ҳамда атроф-муҳитни булғатувчи бошқа корхоналарда реконструкциялаш ва технологияни такомиллаштиришга, бу ерда заҳарли моддаларни чиқариб ташлаш имкониятларини истисно этадиган ишончли тозалаш иншоотлари барпо этишга алоҳида эътибор берилди. Водопровод ва коммунал шохобчаларни, хўжаликлараро ва ички йўлларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Давлат план комитети, министрликлар ва идоралар, жумладан Иттифоқ министрликлари ва идоралари вакиллари составида йўналишлар бўйича ишчи группалари тузилди, режалаштирилган ишларни бажаришнинг конкрет муддатлари белгиланди ҳамда ишларнинг тез бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

• *Бугун Фарғонада*

ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАБ

Ярим тун. Қўқон-Фарғона магистрал йўлидан Олтиариқ районидаги Эскираб қишлоғи томонга қайрилган йўлдан енгил машина тушиб кела бошлади. Бирдан чироқлар ёруғида йўлни тўсиб турган уч-тўрт киши кўринди.

— Тўхтанг! Қаёққа кетяпсиз?

Ҳайдовчи машинадан тушиб, ўзининг кимлигини таништирди, ҳужжатларини кўрсатди. Қишлоққа келишдан мақсадини изоҳлаб бергач, дружиначилар отряди уни кўзлаган манзилига ўтказиб юборди.

— Бундай текширишлар аҳолига ҳам, йўловчиларга ҳам айрим ноқулайликлар туғдиряпти, албатта, — дейди кўнгилли дружиначилар отряди бошлиғи Олтиариқ районидаги 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори З. Матисаев. — Бироқ халқ осойишталигини, жамоат тартибини сақлаш энг муҳим вазифадир. Биз —ҳар биримиз уйдаги ишимизни ташлаб, меҳнатдан сўнг қонуний дам олишдан воз кечиб, тунлари тартиб сақлаш учун маҳаллаларда юрибмиз. «Ўзбекистон» колхозининг ўзида, ҳозирги пайтда 15 та мана шундай кўнгилли дружиначилар отрядлари фаолият кўрсатяпти. Уларнинг аъзолари белгиланган график бўйича тунлари қишлоқ тинчлигини кўриқлашяпти.

Фарғона областида июнь ойининг бошларида юз берган воқеалар мана шундай отрядлар тузишни ҳам тақозо этди. Тўғри, шу кунларда областда осойиштаслик ҳукм суряпти. Корхоналар ва ташкилотлар бир маромда ишлаяпти. бироқ худди мана шу қизғин меҳнат жараёнига халал беришни истовчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Ҳаддан ошган безори тўдаларининг ҳуружларини тийиб туришда милиция ходимлари, ички ишлар қўшинларига кўнгилли халқ дружиначилари, шаҳарлар ва қишлоқларда ташкил этилган аҳолининг ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари ҳам катта ёрдам беришди. Ҳозирги пайтда областда 900 дан ортиқ ана шундай отрядлар ташкил этилган. Улар составидаги 10 мингга яқин комсомолёшлар, турли миллат вакиллари осойишталикни сақлаш йўлида фидойилик кўрсатишяпти.

Қизиғи шундаки, тўполонлар бошланган дастлабки кунлари маҳаллий органлар ёшлар, Афғонистонда ҳарбий хизмат вазифасини ўтаб келган интернационалист жангчиларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари тузиш ҳақидаги ташаббусларига бефарқ қарадилар. Масалан, Фарғона шаҳридаги жангчи интернационалистлар тузган отряд аъзолари шаҳардаги болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа болалар муассасаларини ўз кучлари билан қўриқлаб туришни таклиф қилган эдилар. Афсуски, уларнинг ташаббуси қувватланмади. Бўлиб ўтган воқеалар эса ана шу ташаббуслар жуда асқотишини кўрсатди.

Ҳамза шаҳрида ўша нотинч кунларда жангчи интернационалистларнинг мана шундай отряди халқ осойиштаслигига раҳна солишни истовчилар йўлини тўсди. Шаҳар Совети ижроия комитетидан бизга айтишларича, корхона ва муассасаларда қизғин меҳнат жараёни давом этяпти. Бундай узлуксиз иш маромини таъминлашда ўз-ўзини ҳимоя отрядларининг ҳиссаси катта. Зеро, уй-жойи, бола-чақасидан хавотирланмаган кишининг ишида унум бўлиши табиий.

Фарғона механика заводи областдаги йирик саноат корхоналаридан бири. Фожиали воқеалар давом этаётган таҳликали кунларда завод ишчилари безориларга қаршн уюшган ҳолда курашга отландилар. 6 июнь кунидёқ ўз сафига 40 кишини жамлаган ишчилар отряди тузилди. Механика заводи микрорайонида патруллик қилиш, жамоат тартибини муҳофаза этишни ўз зиммасига олган бу кўнгиллилар отрядига завод цех партия ташкилотининг секретари В. Носачёв ва ёш коммунист — агрегат цехи мастери И.Умаровлар раҳбарлик қилдилар.

— Отряд аъзолари, — дейди завод партия комитетининг секретари А. Отабоев, — ҳар куни эрталабдан кечгача ички ишлар қўшинлари билан бирга завод ва унинг объектлари, ётоқхоналар ва болалар боғчаларини муҳофаза қилиб туришибди. Отряд аъзолари байналминал, улар орасида ўзбеклар, руслар ва бошқа миллат кишилари бор.

Дастлабки кунлари кўпчилик иш жойига маълум сабабларга кўра етиб келолмагани учун дастгоҳларнинг бир қисми тўхтаб қолган эди. Ҳозирги пайтда аҳвол яна нормал изга тушиб бораяпти. Айрим цехлар комендантлик соати қондаларини ҳисобга олган ҳолда 12 соатлик иш режимига ўтдилар.

Ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари аъзолари осойишталикни муҳофаза қилиш билан бирга, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари ҳам олиб боришяпти. Турли мишмиш гапларнинг мутлақо асоссиз эканлигини ишончли далиллар ёрдамида исботлаб, ваҳималарнинг тарқалишига чек қўйишяпти. Область аҳолиси осойиштаслигини таъминлашда фаол иштирок этишяпти.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорлари—ҳаётга

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, агросаноат ишлаб чиқаришини социалистик мулкчиликнинг турли хил формалари асосида ривожлантириш ва бунинг учун тўлиқ шарт-шароитлар яратиш масалаларига катта эътибор берилди. Колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси бўлиб қолаверади. Зеро, уларнинг ўзида хўжалик юритишнинг янги механизмлари, ижара муносабатлари, кооперация орқали катта имкониятлар юзага келса, меҳнатнинг коллектив формалари самарадорлиги ортаверади.

Утган беш йилликлар ичида жуда кўп қарорлар қабул қилинди-ю, лекин уларни амалга оширишга келганда изчиллик етишмай қолди. Ҳаммадан онгли, ҳамма учун ўйлайдиган, муҳим вазифаларни ёлғиз ўзи ҳал қиладиган раҳбарни топишга ҳаракат қилинарди. Бироқ раҳбарлар маъмурий-буйруқбозлик билан шуғулланишарди.

Энди давр бошқа. Тажрибалардан маълум бўлдики, ҳақиқий ижодкор бу — деҳқон. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари—бригада, оила, ижара пудрати жорий қилинган жойларда деҳқон ерга, ер эса ўз хўжайинига эга бўлмоқда. Кооперацияни ривожлантириш эса деҳқоннинг нимага қодирлигини амалда исботлаяпти. Фикрларимизни далиллаш учун Ким Пен Хва номли колхоз коллективи ишини мисол қилиб кўрсатиш жоиз. Бу ерда йигирмата кооператив ишлаб турибди. Хўжаликни эса кооперативлар корпорацияси дейиш мумкин. Ички хўжалик демократиясини ривожлантириш, аввало инсон омилини активлаштириш қолоқликдан пешқадамлик сари йўл очди.

● Юқорида озуқакорпар бригадаси бошлиғи Маннап Абдусатторов ва колхоз бош агрономи Ҳасанбой Худойқулов.

● Уртада Сандаҳмад Жабборов оиласи кичик механизация воситасидан унумли фойдаланаётир.

● Пастда эса марказий ремонт устахонаси ишчилари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшиламоқдалар. Хожимурод Қуролов, Борис Ким ва Вильма Цой чойхона учун каравот тайёрламоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ХЎЖАЙИН КИМ?

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ КИМ ПЕН ХВА НОМЛИ КОЛХОЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КООПЕРАТИВЛАР СОНИ 20 ТАГА ЕТДИ

КОЛХОЗ идорасига кириб бораётганимизда атрофда ҳеч ким кўринмади. Ичкарида ҳам осойишталик, фақат компьютернинг шиғиллаган товуши эшитилади. Ўзи нима гап? Одатда идора турли лавозимлардаги катта кичик раҳбарлар билан тўлиб ётарди-ку? Ҳар куни раис кабинетида бўладиган йўқламаларни айтмайсизми?

Колхоз раиси Турғун Мадиёров бу ҳолни қуйидагича изоҳлади:

— Авваллари бошқарув аппаратида 60 киши ишларди. Энди бор-йўғи беш киши қолдик. Булар — корпорация раиси, яъни, мен, бош агроном, бош иқтисодчи, инженер ирригатор ва бош бухгалтер. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 150 минг сўм тежаб қолинди. Қисқартиришдан сўнг колхоз бўйича ишдан бўш қолган 160 нафар киши бошқа юмушларга жалб қилинди. Ҳозирча бухгалтернинг ёрдамчилари бор. Лекин яқин келажакда уларнинг ўрнини ҳам компьютерлар эгаллайди. Молия-ҳисоблаш маркази тузишни мўлжаллаяпмиз. У бизнинг банкимиз бўлади. Кооперативлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Ишнинг янгича ташкил этилиши, кооперативларнинг ўзаро муносабатлари йўлга қўйилган шароитда бошқарув аппаратининг вазифаси ҳам ўзгарди. Энди у буйруқбозлик қилмайди. У ташкилотчи ва маслаҳатчи, холос. Қолган ишларни кооперативларнинг ўзи эплайди. Шунинг учун ҳам колхоз ер, сув, механизация воситалари, ферма ва чорва молларини кооперативларга берганда ижара тўловларидан амортизация ҳақидан воз кечди. Барча воситалар колхозчиларга ижарага эмас, бутунлай берилди. Бу ўз навбатида инсон омили активлаштирилишини таъминлади. Деҳқон хўжаликнинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Хўжалик экономикаси ривожланиб, аввалги қарераларидан қутулди. Бундан тўрт йил аввал эса унинг қарзи 2 миллион сўмдан ортиб кетганди. Фақат суттовар фермасининг ўзи йилига 600 минг сўм зарар келтирарди. Иши унмаган, рўзғорини амал-тақал тебратиб турган одамлар шаҳарга кетиб қолишди. Қисқа вақт ичида 400 киши колхозни тарк этди. Янги сайланган раис Турғун Мадиёров ўйланиб қолди: хўш, ишни яхшилаш, одамларни колхозга қайтариш учун нима қилиш керак? Бу саволга у фақат тез суръатлар билан харажатларни камайтириш механизмини ишга солиш зарур, деган жавоб топди.

Шу мақсадда фан билан ишлаб чиқариш алоқасини яқинлаштиришга киришилди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтига колхозда бошқаришнинг чек структурасини ташкил этиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилинди. У ердагилар бажонидил рози бўлишди. Иқтисод фанлари доктори А. Шокиров раҳбарлигидаги бир группа олимлар икки ҳафта давомида тадқиқот ишлари олиб боришди. Шу тариқа 1986 йилда чек системаси жорий этилди.

Одамлар янги усулнинг афзаллигини дарров тушунишди. 1987 йилнинг 1 январигача 310 минг сўм тежаб қолинди. Ўтган йил эса 700 минг сўм фойда билан якунланди. Эндиги вазифа ютуқларни янада мустаҳкамлашдан иборат эди. Раис ўйлади, деҳқон ва олимлар ўйлашди. Балки, ерларни ижарага бериш керакдир? Лекин бунга айрим муаммолар тўсиқ бўлиши мумкин. Айтайлик, техникани нима қилиш керак? Ҳар бир оилага биттадан транспорт бўлиб беришнинг иложи йўқ-ку. Кооперация ҳақидаги СССР Қонуни лойиҳаси эълон қилинди-ю, шундай қарорга келишди: ижарачилар кооперативини тузиш керак.

Кооператив дастлаб суттовар фермасида ташкил этилди. Чунки бу соҳа хўжаликдаги энг оғир участкалардан бири эди. Иккита сут ишлаб чиқарадиган ва битта бузоқларни парваришлайдиган звеналар тузилди. Бироқ 11 нафар молбоқардан бор-йўғи икки киши фермада қолиши керак. Уларнинг энг яхшиларини танлаш коллективнинг ўзига ҳавола қилинди. Ёпиқ сайлов ўтказилди. Бир йўла звено раҳбарлари ҳам сайланди. Механизаторлар ҳам шу йўл билан танланди. Ҳар 90 сигирга тўрттадан сут соғувчи, иккитадан молбоқар биркитилди.

● ҲИСОБЛИ ДУСТ АЙРИЛМАС
● ИНСОН ОМИЛИ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ
● ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗИҚ-ОВҚАТ
● ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИ

Энди мутахассислар масаласини ҳал қилиш керак эди. Колхоз раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари, бош зоотехник, селекциячи-зоотехник, бош ветеринария врачи, оддий ветеринария врачи, техник-осеменатор, ферма мудири, лаборант, жиҳозлар бўйича механик, чорвачилик бўйича бухгалтер... Буларнинг барчаси керакми? Йўқ, деган қарорга келишди чорвадорлар. Битта зоотехник қолдирилди. Унинг ўзи селекционерлик вазифасини бажараверади. Ветеринария врачи ва техник-осеменатор вазифаси бир кишига топширилди. Ферма мудири ва бригадир лавозими ҳам бир одамга тегди. Сайлов ўтказиш қизиқ натижа берди. Жумладан, бир неча ўн йиллардан бери ишлаб келган селекциячи-зоотехникни одамлар қўллаб-қувватлашмади. Бригадирликка эса осеменатор-техникни кўтаришди. Сайлов икки соат давом этди. Шу вақт ичида 18 та штат қисқарди.

Одамлар ўзлари ёқтирган кишилар учун эмас, балки ишга виждонан ёндашадиган, малакали ходимларгагина овоз беришганди. Сайланмай қолганларга эса бошқа участкалардан иш топиб беришди.

— Мен сутчилик фермасида кўп йиллардан бери ишлаб келардим, — дейди Ражаб Содиқов. — У ерда ишласам, ишламасам яхшигина ҳақ тўлашарди. Фермада кооператив тузилган пайтда биринчи навбатда мен ишсиз қолдим. Бундан қаттиқ ранжидим. Лекин кейинчалик айб ўзимда эканлигини тушундим. Правление менга иш топиб берди. Ҳозир 66 та буқани бўрдоқига боқяпман. Аввалига қорамолларнинг кунлик семириши 150-200 граммдан ошмасди. Шунга яраша ойлик маошим ҳам 40-50 сўмдан зиёд бўлмасди. Ориятим келди, астойдил ишлашга киришдим. Эндиликда боқимимдаги моллар суткасига 550-600 граммга семираётир. Ойлик маошим ҳам 350-400 сўмга етди.

Ҳа, илгарилари кимлардир жон куйдириб ишлардию, кимлардир соя-салқин жойда дам олишига қарамасдан, иш ҳақини ҳамма билан баравар оларди. Кооперация буларнинг барчасига барҳам берди. Фермада ўз ишининг усталаригина қолди. Натижа куттириб ўтирмади. Молларни бўрдоқига боқишда силжиш яққол кўзга ташланди. Авваллари ҳар бир бузоқнинг кунлик ўсиши 270 граммдан ошмаган бўлса, ўтган йил давомида у икки баравар кўтарилди. 1985 йили бир килограмм гўшт етиштириш учун 6 сўм 40 тийин сарфланган бўлса, чек системасига ўтилгач, бу кўрсаткич 4 сўм 10 тийинга тушди. Кооператив тузилгач таннарх яна пасайиб, қариб тенг ярмига қисқарди. Сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдори кескин кўпайди. Ўтган йили ҳар бир сигир маҳсулдорлиги бурноғи йилга нисбатан 500 килограммга кўпайиб, ҳар бош сигирдан ўртача 3500 килограммдан сут соғиб олинди. Шу вақт ичида озуқа сарфлаш икки баравар камайиб, молларнинг ўртача кунлик семириши уч бараварга ортди. Бир центнер сутнинг таннархи 30 сўмни ташкил қилди. Кооператив ана шу 30 сўмнинг 12 сўмини озуқага, 9 сўмини иш ҳақига, қолган 9 сўмини эса бинони сақлаш, ёнилғи, электр энергияси социал страхование тўловларига сарфлайди. Сутнинг таннархи 30 сўмдан камаймаётганининг сабаби шундаки, давлат корхонасидан олинадиган пахта шелухасининг 1 килограмми аввал 8 тийиндан харид қилинган бўлса, энди 17 тийинга, аралаш озуқа нархи эса икки баравар кўтарилиб, 22 тийинга чиқди.

Кооператив аъзоларининг иш ҳақи пировард натижага боғлиқ. Масалан, тайёрланган ҳар юз килограмм сут ҳисобига бригадирга 22 тийин, юз килограмм гўштга 50 тийин, ҳар бир бузоқ учун 3 сўм, сут соғувчига 100 килограмм сутга 4 сўм, бузоқ учун 4 сўмдан тўланади. Молбоқарлар, зоотехник ва бошқаларнинг маоши ҳам шу йўсинда белгиланади.

— Авваллари қанча ишласангиз, ойлик маошингиз 150-160 сўмдан ошмасди, — дейди тажрибали сут соғувчи Анна Юрьевичина. — Кооператив ташкил этилгач, ишимиз унумли бўлаётир. Боқимимдаги 18 сигирни сервитамин озуқалар билан парваришлаб, улар маҳсулдорлигини оширишга ҳаракат қиляпман. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 3400 килограммдан сут соғиб олган эдим. Ойига 300 сўмдан маош олдим. Йил — якунида қўшимча яна 1200 сўм беришди. Мусобақадошим Сейдин Трушеванинг кўрсаткичи янада юқори бўлди. У ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлигини 3600 килограммга етказди.

Кооперативда турли миллат вакиллари ягона мақсад йўлида тер тўкмоқдалар. Қозоқ йигити Султон Қурбоновни олайлик. У рус аёли Зоя Людминская билан ўз ҳаётини боғлаган. Бири-биридан ширин фарзандлари бор. Фермада эса бир звенода ишлайдилар. Бу звено 20 кунликдан 6 ойликкача бўлган бузоқларни парваришлайди.

— Сервитамин озуқалар ва сунъий сут берилаётганлиги, чорвадорларнинг ғайратшижоати туфайли бузоқлар кундан-кунга яхши ўсяпти, — дейди зоотехник Трофим Когай. — Ҳозир уларнинг бир кеча-кундузлик семириши 500-600 граммни ташкил этяпти. Бу муваффақиятнинг яна бир сабаби бор. Бир неча йил бурун минглаб сўм маблағ сарфланиб, темир-бетон конструкциясидан бузоқхона қурилганди. Моллар кўп касалланар, баъзиларини мажбуран сўйишга тўғри келарди. Бу йил эса қиш қаттиқ келишига қарамай, бузоқлар очиқ майдонда, усти ёпиқ жойда сақланмоқда. Қарангки, қиши билан биронта бузоқ нобуд бўлмади, ҳатто касалланганги йўқ.

Колхозда маҳсулот етиштирувчиларнинг яхши яшаши ва самарали ишлаши учун шароит яратишга алоҳида эътибор берилаётир. Бу табиий. Бизда инсон омили деган тушунча атиги бир неча йил аввал одат тусига кирди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги формалари ҳам асосан инсон омилига асосланади.

Хўш, инсон яхши ишлаши учун унга нима керак? Инсон омилини кучайтиришда моддий манфаатдорлик муҳим бўлса-да, лекин у энг асосийси эмас. Албатта, деҳқон кўпроқ ҳақ олишга интилади. Бироқ у яна шуни хоҳлайдики, унга буйруқ беришмаса, бақиришмаса, камситишмаса, ўзи бир қароргa келиши, ўзи қизиқиши, ўзини-ўзи пул билан таъминлаши, ўзини-ўзи бошқариши, ўзининг ижодкорлиги, яъни тўла мустақиллиги, булар — инсон омилининг асосларидир.

Колхозда асосий эътибор ажратилди. Социал-маиший объектлар қад кўтарди. Буларнинг бари кооперативлар сонини кўпайтириш имконини берди. Дарвоқе, улар бирбири билан боғлиқ тарзда ривожланаётир.

Айтайлик, чорвачилик кооперативи озуқа етиштирмайди. Бунинг учун озуқачилар кооперативи ишлаб турибди. Маннап Абдусатторов раҳбарлигидаги бу кооперативда 36 киши ишлайди. Уларнинг кўпчилиги фермадан сайлов пайтида бўшаб қолган кишилар. Коллектив қисқа вақт ичида ишларини ўнглаб олди. Озуқа етиштиришга кетган харажатлар тобора камаймоқда. Уларнинг ихтиёрида 520 гектар майдон бор. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 150 центнердан беда, 800 центнердан лавлаги, 500 центнердан силос учун маккажўхори пояси олинди. Бир центнер озуқа бирлигининг таннархи 4 сўмдан тушди. Чорвадорлар эса унга 6 сўмдан ҳақ тўлайди. Ўртадаги 2 сўм колхозга қолади. Қайси озуқадан қанча кераклигига фермадагилар буюртма беришади. Буюртма тонналарга эмас, балки озуқа бирлигига берилади. Агар озуқа сифатсиз бўлса, бунга озуқакорлар ёнларидан харажат қилишади.

Фақат сифатли озуқа қабул қилинаётганлиги туфайли фермада икки баравар кам озуқа сарфланмоқда. Авваллари камёб бўладиган озуқа энди кўпайиб кетди. Энди колхозчилар билан шартномалар тузиляпти. Колхозчилар молларни бўрдоқига боқиб беришади. Ўзларидан ортиқча сутни ҳам колхозга сотишади. Бу ўз навбатида хўжаликда озуқа кўпайиб бераётгани самарасидир.

Бугунги кунда озиқ-овқат турмушимизнинг энг нозик, ўткир муаммосига айланиб қолди. КПСС Марказий Комитетнинг 1989 йил март Пленумида, республика агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида бу масалани ҳал қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Бинобарин «Қишлоқ тўймаса — шаҳар тўймайди» деган тушунча қизил ип бўлиб ўтди. Хўш, пахтачиликка ихтисослашган мазкур хўжаликда бу муаммога қандай ёндашиляпти? Коллектив бу борада ҳам аниқ қадамлар қўяётганини билиб олдик. Эндиликда бу ерда пахта якка ҳокимлигини бартараф этиш борасида муайян ишлар қилинаётир. Пахта-беда ва бошқа экинларни алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилган

Ваҳолонки, бу ерда ҳам бир вақтлар одамларнинг эшиклари тагигача пахта экилган. Алмашлаб экиш жорий этилмаганлиги, минерал ўғитлардан тартибсиз фойдаланилганлиги туфайли ернинг мадори қуриб, яхши ҳосил бермай қўйган, бу ўз навбатида қўшиб ёзишлар авж олишига, пировардида меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлиги ёмонлашишига сабаб бўлганди.

Энди эса тамоман аксинча. Деҳқончиликда 13 та кооператив тузилди. Кооперативларга 80—120 гектардан майдон ажратиб берилган. Ҳар бир кооперативда 2-3 тадан звено бор. Бу звеноларга механизаторлар раҳбарлик қилади. Звенолар ўзларига тегишли 40-45 гектар майдонда ишлаш учун ҳайдов трактори, культиватор ва бошқа техника воситаларига эга. Ерни, техникани ҳам колхоз уларга текинга берган. Айтайлик, бир гектар ернинг унумдорлиги 25 центнер. Шу майдоннинг умумий фонди 1100 сўм бўлсин. Шундан 28 сўми уруғликка, 132 сўми ўғитга, 44 сўми гербицидларга сарфланади. Ундан кейин страхования тўловлари, ёнилғи-мойлаш материалларига кетган харажатлар олиб ташланади. Хўжалик ҳисобидаги даромад ҳамма харажатларни чиқариб ташлаганда 716 сўм бўлиши мумкин. Кооператив қанча иқтисод қилса ўзиники. Пахтанинг сорти юқори бўлса, қўшимча ҳақ ҳам кооператорнинг чўнтагига тушади.

Ўтган йили хўжалик бўйича 777 гектар майдонга чигит экилиб гектаридан 36 центнердан ҳосил олинганди. Ҳосилнинг 90 проценти машинада терилганди. Бу йил об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, давлатга 2500 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилинган. 4200 тонна каноп, 1400 тонна шоли ҳосили олинади. 40 гектар майдонда сабзавот ҳам етиштирилади.

Хўжаликда иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида бошқа кооперативлар ҳам тузилди. Масалан, маданият уйи ҳар йили колхоз кассасидан 80 минг сўм дотация оларди. Лекин бу пуллар қаёққа кетаётганини ҳеч ким ўйлаб ўтирмасди. Мана, энди бу ерда ҳам кооператив ташкил қилинди. Энди у яшаш учун курашиши, пул ишлаши керак. Тўгараклар, студиялар, видеобар, туристик саёҳатлар уюштириш ва бошқалар ташкил этилади. Буларнинг ҳаммаси пулли хизматлардир. Ҳозир маданият уйига сергайрат ва тадбиркор кишилар жалб этилмоқда. Кўрилаётган бу тадбирлар ҳам даромад келтиради, ҳам колхознинг маданий ҳаётини жонлантириб юборади.

Марказий ремонт устахонаси ва автогараж базасида ҳам алоҳида кооператив тузилди. Хўжаликда юздан ортиқ шахсий машина бор бўлиб, уларни ремонт қилувчи усталар ҳам кўп экан. Шу асосда автосервис ташкил қилинди. Илгари улар ўз машиналарини район марказида ёки Тошкентда ремонт қилдиришарди. Энди бу иш шу ернинг ўзида қал бўлади. Хўжалик территориясида 700 дан зиёд хонадон бор. Демак, уларда кундалик ташвишлар — гоҳ гараж қуриш, гоҳ дарвоза ўрнатиш ёки бошқа ремонт ишлари чиқиб туради. Бунинг учун ҳам ишбилармон кишилар кооперативи тузилди.

Ҳатто болалар боғчаси кооператив усулга ўтказилгани бу ерда нақадар тадбиркорлик билан иш юритилаётганлигини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтилганидан ташқари яна матлубот кооперативи тузиляпти. У аҳолини турли моллар билан таъминлаш, савдо ва бошқа коммерция ишлари билан шуғулланади.

— Кооперативларимизнинг келажаги порлоқ, — дейди корпорация раиси Турғун Мадиёров. — Эндиликда хом ашёни қайта ишлайдиган кооперативлар тузяпмиз. Қуритиш-тозалаш цехи ишлаб турибди. Ўзимизда пахта заводи қурилиши тугалланай деб қолди. У ишга тушгач, хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан янада бақувватлашади. Чунки давлатга хом ашё эмас, тайёр маҳсулот, яъни тола сотамиз. Пахта чиқиндиси ҳам ўзимизга текинга қолади. Бу бизга катта даромад келтиради. Шоли оқлаш цехи ишга тушгач, тайёр гуруч сотамиз. Унинг кепаги эса яхши озуқа бўлади. Яқин келажакда аралаш озуқа цехи ҳам иш бошлайди.

Кўриниб турибдики, қишлоқда иқтисодий муносабатлар ва социал шароитлар тубдан ўзгартирилса, капитал маблағлар ҳам, техника ҳам зарур самарани бера олади. Қишлоқдаги иқтисодий ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборат бўлиши керакки, у деҳқонга мустақиллик, омилкорлик ва ташаббус кўрсатиб ишлаши учун кенг имкониятлар берсин. Энг муҳими — хўжалик юритишнинг янги механизми, кооператив, ижара орқали колхоз ва совхозларга тегишли бўлган жуда катта имкониятларни борича кўпроқ очиш, яъни меҳнатнинг коллектив формаларига ўтишда назарда тутилган барча нарсаларни рўёбга чиқариш лозим.

Айни пайтда Ким Пен Хва номли колхозда муваффақиятли синовдан ўтган кооперативлар корпорацияси тажрибаси атрофлича ўрганишга сазовор. Эндиликда бутун Ўрта Чирчиқ районида янгиликни кенг ёйишга киришилди. Дала ва фермалар ўзининг ҳақиқий хўжайинини топа бошлади. Ўрта Чирчиқликлар ҳозир хўжаликлар нонини «туя» қилиб турган РАПО фаолиятини қайта қуриш йўлини қидиришмоқда. РАПОда ҳозир атиги 15 киши қолди. Бу ерда Иттифоқда биринчи кооператив — агросаноат бирлашмаси (КАСБ)ни тузишга киришилди. Шу йил райондаги фермаларнинг 80 проценти кооператив усулда ишлайди.

Демак, янгилик ўзига йўл очяпти. Иш жойидан силжиди. Ким Пен Хва номли колхоздаги кооперативлар расмий тавсиялардан баъзан жиддий равишда четга чиққан ҳолда, кўп жиҳатдан ўзига хос йўл билан шаклланмоқда. Эришилган дастлабки натижалар колхоз ривожланишнинг тўғри йўлидан бораётганлигини кўрсатаётир. Ҳозирча бу хўжалик республикамиздаги ягона колхоз-корпорациядир. Ишонамизки, бу тажриба тобора ривожланиб, қанот ёзиб, кўпчилик мулкига айланиб қолади. Зеро, ҳозирги ҳаётимиз, иқтисодимиз, сиёсатимиз талаблари ҳам худди шуни тақозо этмоқда.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссиясида

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси зилзила оқибатларини тугатиш комиссиясининг 17 июнда Ереванда бўлиб ўтган навбатдаги амалий кенгашида одатдан ташқари жуда кўп кишилар қатнашди. Кенгашда Арманистоннинг зилзиладан зарар кўрган районларида иш билан банд бўлган бевосита раҳбарлардан ташқари бир қанча СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Давлат агросаноат комитетлари билан Давлат қурилиш комитетларининг, ўлкалар ва областларнинг, совет органларининг раҳбарлари қатнашдилар. Бутун мамлакат вакиллари меҳнат қилаётган табиий офат зонасида юз бераётган вазият уларни кенгашга таклиф этишни тақозо этди. Бу вазият кўнгилдагидек эмас, маблағлар ва кучларни сарфлашни ўзаро келишиб олишни, ҳар бир участкада иш муддатлари ва ҳажмини аниқлаб олишни талаб қилмоқда.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Л. Толстих раислик қилган кенгашнинг бориши ҳам худди шуни кўрсатди. Кенгашда Арманистон ССР қишлоқ аҳоли пунктларини ва агросаноат комплекси ишлаб чиқариш объектларини тиклаш тадбирлари муҳокама қилинди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ районларида 108 та қурилиш отряди ишлаётганлиги, 2,5 мингтадан ортиқ турли техникадан фойдаланилаётганлиги, 600 минг куб метр норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган қувватлар барпо этилиб, 120 тадан ортиқ йирик бетон қориш қурилмалари ишга туширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса деярли 89 минг квадрат метр уй-жойларни, 5220 ўринли мактаблар ва муваққат болалар боғчаларини ишга туширишга имкон берди. Украина ва Ўзбекистон Давлат агросаноат комитетларининг бўлинмалари Амасия, Ахурян, Гукасян районларида, Краснодар ўлкаси агросаноат комитети бўлинмалари графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, дейилди кенгашда, кўпгина объектларда кескин вазият вужудга келди. Тиклаш ишлари суръатлари эса мутлақо қониқарсиз. Беш ой ичида 127 миллион сўмлик иш бажарилди ёки йиллик планнинг 26,4 проценти адо этилди.

Об-ҳаво шароити қулай бўлиб турган ёз пайтида буюртмачилар ва пудратчиларнинг, лойиҳачилар ва бош бошқармаларнинг уюшқоқлик кўрсатмаётганлиги ва сусткашлиги, айниқса, ташвишга солмоқда. Латвия, Туркманистон, Эстония ССРнинг, РСФСРнинг бир қанча областлари ва Қозоғистоннинг агроқурилиш отрядлари қаттиқ танқид қилинди. Ишчи кучи, техника ресурслари, тош, цемент, ёғоч-тахта етишмаётганлиги қолоқликнинг асосий сабабларидир. Ўн минг оила якка тартибда уй қуришга ариза берган бўлса ҳам, уларга қурилиш материаллари ажратиб беришда қониқарсиз аҳвол вужудга келди.

Комиссия тегишли идоралар раҳбарларини қишлоқда қурилишнинг боришини тубдан яхшилаш учун шахсан жавобгар эканлиги хусусида огоҳлантирди. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, Электрлаштириш ва энергетика министрлигига, Газ саноати министрлигига ва Арманистон ССР Министрлар Советига сув таъминоти, канализация, газлаштириш, энергетика объектларини тиклаш ишлари графигини дарҳол ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясига ахборот бериш таклиф қилинди. Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишида қўлланиш учун туф ўрнини босадиган деворбоп материалларни қўлланиш ва бундай материалларни Арманистонга етказиб бериш масалаларини шошилинч равишда ҳал қилишлари лозим.

Комиссия ишида Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян, республика Министрлар Советининг Раиси В. С. Маркарьянц иштирок этдилар.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ИМИЛЛАШ ОҚИБАТИ

Республика хўжаликларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва комплекс реконструкция қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раиси Э. Турсунов ва айниқса, унинг ўринбосари Г. Алексанян партия ва ҳукуматнинг суғориладиган ерларни реконструкция қилиш, сув иншоотлари қурилиши учун ажратиладиган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги талабларини бажаришда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Масалан, Сирдарё областида икки йилдан буён коллектор-дренажлар тармоғини қуриш ва қайта ўрнатиш планлари барбод бериб келинмоқда. Бу борадаги ишлар планда белгиланган 38 минг гектар ўрнига, бор-йўғи 13,8 минг гектар майдондагина амалга оширилди, холос. Область хўжаликларида суғориш қийин бўлган экин майдонлари 156 минг гектарни ташкил этади. Унинг 14,7 минг гектаридан эса мутлақо фойдаланилмаётир. Шунга қарамай, суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш ишлари айрим турлар бўйича номигагина бажарилмоқда. Бу эса, ушбу соҳа учун ажратилган маблағларнинг сочилиб кетишига, объектнинг чала ва паст сифат билан топширилишига сабаб бўлаётир.

Бу ўринда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг собиқ ўринбосари, эндиликда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раисининг ўринбосари А. Нисневичнинг масъулиятсизлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ў Мирзачўлнинг эски суғориладиган ерларини комплекс реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати устидан назорат ўрнатмади. Дирекциялар томонидан тасдиқланган объектларнинг смета баҳоси бир миллион сўмдан кўп бўлмаган алоҳида участкаларга бўлиниб кетишига муросасозлик билан қаради. Капитал маблағларнинг сочилиб кетишига ва брак қилинган лойиҳа бўйича қурилиш ишларининг самарадорликка асосланмаган ҳолда бажарилишига йўл қўйди.

«Джизакстепстрой» бирлашмаси бошлиғи Х. Тошев ўз қарамоғидаги ташкилотларда объектларни чала ва сифатсиз топшириш каби иллатларга барҳам бермаяпти. Текшириш ўтказилган пайтда фақат олтита объектда 61,8 минг сўмлик иш чала бажарилгани ҳамда комплекс реконструкция қилиш бўйича 256 гектар ер ёки умумий майдоннинг 17 проценти ноқонуний фойдаланишга топширилгани аниқланди. Бундай масъулиятсизлик нималарга олиб келишини Октябрь райони мисолида яққол кўриш мумкин. Райондаги Ф. Хўжаев номли совхозда 200 гектар майдон илгари дренажлар қурилмасдан фойдаланишга топширилганди. Орадан унча кўп ўтмай, бу ерлар қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб қолди. Эндиликда уни комплекс реконструкция қилиш ишлари ҳам пайсалга солинмоқда. Яъни ўтган йили ана шу мақсадлар учун ажратилган 202 минг сўмдан шу пайтгача бирор сўм ҳам ўзлаштирилмади.

1-қурилиш корхонаси директори Д. Афонин ва 11-бирлашган қурилиш корхонаси директори К. Калжигитов ўз вазифаларига совуққонлик билан қарамоқдалар. Корхона коллективлари асосан лойиҳа бўйича фойдаланишга топширилган объектлардаги майда-чуйда ишлар билан банд бўлмоқдалар. Халқ назоратчилари 1-қурилиш корхонасининг тўртта ва 11-бирлашган қурилиш корхонасининг иккита объектида текшириш ўтказишганда 34,2 минг ва 27,6 минг сўмлик иш сифатсиз бажарилгани маълум бўлди. Бу корхоналар томонидан икки хўжаликда лойиҳа баҳоси 498 минг сўм бўлган 490 гектар майдонда амалга оширилиши планлаштирилган қурилиш ишлари барбод берилди.

Бундай аҳвол 2-қурилиш корхонаси (директори В. Дьяков) фаолиятида ҳам ҳукм сурмоқда. Ўтган йили комплекс реконструкция қилиниб ишга туширилган 1041 гектар майдоннинг 417 гектарида ёки бор-йўғи 40 процентида фақат бир тур — капитал планлаштириш юзасидангина иш бажарилди, холос. Шунингдек, 394 гектар ўрнига атиги 44 гектар ернинг шўри ювилди. 1989 йилда эса икки хўжаликда пландаги 1600 гектар ўрнига 786 гектар ерни комплекс реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

15-бирлашган қурилиш корхонаси директори вазифасини бажарувчи В. Панюхов давлат план интизомини бузишни оддий ҳол деб ҳисобламоқда. У корхона иш планига иқтисодий самара бериши пухта асосланмаган кўплаб майда объектларни киритмоқда. Аксарият лойиҳа-смета ҳужжатлари область лойиҳалаштириш группаси томонидан 20—80 гектарлик участкалар учун тайёрланмоқда. Бу участкаларда эса фақат капитал планлаштириш ҳамда ёпиқ дренажлар, йўллар, иншоотлар ва бошқа зарур иш турларисиз участка суғориш тармоғини қуриш мўлжалланмоқда. Лотоқлар сифатсиз ҳамда янги суғориш техникасини қўллаб бўлмайдиган тарзда ўрнатилмоқда. Ана шундай брак лойиҳалар асосида ўтган йили 1074 минг сўмлик иш бажарилди.

«Сирдарьяремвод» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Т. Бобоев капитал маблағларнинг сочилиб кетиш фактларига панжа орасидан қарамоқда. Кўплаб майда объектлар ва брак лойиҳалар бўйича қурилиш ишларини бажариш ҳамда сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрмаяпти. Мелиорация системаларидан фойдаланишдаги хўжасизлик, ўзибўларчилик оқибатида областда ўтган йили 1987 йилга нисбатан шўрланган майдон ҳажми 9 процент ошди ва жами 156 минг гектарга етди.

ЁНҒИНГА КИМЛАР АЙБДОР?

Енгил саноат, уй-жой, коммунал хўжалиги министрликлари раҳбарлари (Г. Пасулин ва И. Пигарев) Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси (бошлиғи Э. Норгитов) КПСС Марказий Комитетининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмасидан тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. Ўтган йили республикада ёнғиндан сақлаш ишлари яхшиланиш ўрнига аксинча ёмонлашди. Ёнғин чиқиш ҳоллари 1987 йилга нисбатан 56,1 процент кўпайди ва 17644 тага етди. Ундан кўрилган моддий зарар эса 11179,6 минг сўмга етди. Ёнғиндан одамларнинг ҳалок бўлиши, биноларнинг куйиб кулга айланиши, чорва моллари, парандаларнинг ўлиши ва бошқа кўплаб зарар кўриш ҳоллари кўпайди.

Сирдарё, Хоразм областларининг халқ хўжалигида ва аҳоли истиқомат жойларида ўтган йили 1042 ва 1486 маротаба ёнғин содир бўлди. Улардан кўрилган зарар 200 минг сўмдан зиёдни ташкил этди. Бошқа областлардаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди.

Ёнғиндан Енгил саноат, Уй-жой коммунал хўжалиги министрликлари, Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети объектлари ва турар жой бинолари айниқса кўп зарар кўрди. Енгин чиқиш хавфи борасида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги (министр ўринбосари З. Болтабоева) объектларида ташвишли ҳол сақланиб қолмоқда. Ўтган йили бу министрлик тармоқларида 111 маротаба ёнғин чиқди. Бу олдинги йилга нисбатан 32 процент кўп демакдир. Умуман, кейинги икки йил давомида ёнғин туфайли давлатга 75,6 минг сўмлик зарар келтирилди. 42 та ёнғин электр асбобларининг носозлиги, тўққизтаси техник жараён режимига риоя этилмагани, 28 таси эса ёнғиндан хавфсизлик қоидаси бузилгани оқибатида рўй берди. Халқ назоратчиларининг Андижон, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм областлари ва Тошкент шаҳридаги 22 та саноат корхоналарида ўтказган текширишлари шуни кўрсатдики, Енгил саноат министрлиги мутасадди раҳбарлари томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутлақо назорат ўрнатилмаган. Корхоналарнинг ёнғинга қарши бурчакларида зарур асбоб-ускуналар тўла жиҳозланмаган. Улардаги ўт ўчириш аппаратларининг аксарияти ишламайди. Корхоналарнинг цех ва бўлинмаларида техника хавфсизлиги қўпол равишда бузилмоқда. Сув насослари, сигнализациялар йўқ. Бундан ташқари эътиборсизлик оқибатида рўй бераётган кўплаб ёнғинлар ва улардан кўрилган моддий зарарни қасддан яшириб қолишга уриниш фактлари учраб турибди. Жумладан 1988 йилда шу тарзда 38 та ёнғин қайд этилмаган.

Ўзбекистон ССР Уй-жой, коммунал хўжалиги министрлигининг (министр ўринбосари И. Пигарев) кўплаб объектларида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари бузилмоқда. Қатор меҳмонхоналарда ёнғинга қарши кураш ишлари қониқарсиз олиб бориляпти. Бунга «Нукус», «Андижон», «Жиззах» меҳмонхоналарини мисол келтириш мумкин. Уларнинг кўпчилигида ёнғиндан хабар бериш сигнализацияси, ҳатто ўт ўчириш воситалари ҳам йўқ.

• Назоратчи сўз сўрайди

МУРОСАСИЗЛИК

Икки йилдан буён қурилиш ташкилотимиз бинокорлари ишонч билдириб, мени халқ контроли бош группаси раислигига сайлаб келмоқдалар. Коллектив ишончи юксак масъулиятни тақозо этади. Бу фақат менга эмас, группанинг барча аъзоларига ҳам тааллуқлидир. Шу боис биз қурилишдаги ҳар бир ишга синчковлик билан назар ташлашга, ишчи кучи ва моддий техника ресурслари сарфини, айниқса чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қиляпмиз. Натижада фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар кўп эканлиги маълум бўлмоқда. Масалан, ўтган йили ўтказган рейд ва текширишларимиз натижасида 8 тонна цемент, 2 тонна ганч, 120 квадрат метр дераза ойнаси, 3 кубметр ёғоч материаллари нобуд бўлишдан асраб қолинди.

Умуман ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида бош группа аъзолари 13 марта текшириш ва рейдлар ўтказиб, уларнинг бештаси меҳнат коллективида, 8 таси группа йиғилишида жиддий муҳокама қилинди. Текшириш якунлари эса деворий газета, танқид бурчаги ва фотоайбнома стендларида ўз аксини топди. Беҳуда исроф қилинган қурилиш материаллари қиймати айбдор кишиларнинг иш ҳақидан ундириб олинди.

Бош группамиз беш секторга бўлинган. Халқ назоратчиларидан инженер М. Акмалова, ҳайдовчи Э. Қўлдошев, дурадгор У. Сатторов секторлар фаолиятини жонлантиришда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг хизмати туфайли ўтказилган текширишлар самарадорлиги анча ошди.

Яқинда район халқ контроли комитетининг мажлисида қурилиш ташкилотимиз назоратчилари ўтказаётган текширишлар самарадорлиги масаласи кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида қайта қуриш ва ошкоралик шароитида эришган ютуқларимиз ва ўз ишимизни янада фаоллаштиришимиз зарурлиги таъкидланди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб олдик. Ҳақиқатан ҳам назоратчилар нуқсонларга нисбатан муросасизлик позициясида турмас экан, уларнинг фаолияти давр талаби даражаси бўлмайди, албатта.

С. БУРХОНОВ,

«Узагропромстрой»нинг Вобкентдаги 200-махсус колхозлараро механизациялашган кўчма колонна халқ контроли бош группаси раиси.

Андижон область Қўрғонтепа районидаги Ильичевск пайпоқ тўқиш фабрикасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш корхона халқ назоратчиларининг доимий диққат-эътиборида. Ўтказилаётган рейд ва текширишларда ҳам кўпроқ ана шунга аҳамият берилади.

Суратда: халқ назоратчилари — Маҳфуза Абдуллаева, Кимсан Исоқов ва Холида Туробиддинова навбатдаги рейд пайтида тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

• Ташвишли сигнал

Шароит бўлмагач...

Сирдарё областидаги кўплаб корхоналарда мавжуд резерв ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Масалан, Жиззахдаги 1-қурилиш материаллари комбинати бор-йўғи 89,6 процент қувват билан ишламоқда. Сирдарё темир-бетон буюмлари заводида эса аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бу ерда завод қувватидан атиги 40 процент фойдаланиляпти, холос. Шунингдек, Жиззах темир-бетон буюмлари, Гулистон тажриба-механика заводлари ҳамда Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида ҳам мана шундай ҳол рўй бермоқда. Ушбу корхоналарда ишнинг яхши ташкил этилмагани оқибатида асбоб-ускуна ва механизмлар узоқ вақт бекор туриб қолмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратилмагани эса кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлаётир. Бундай нуқсонлар ўз навбатида план топшириқларининг барбод берилишига ва маҳсулот сифатининг тобора пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Давлат ҳисобига...

Андижон ёғ-мой комбинатида техник воситалардан, биринчи даражали ҳамда ёрдамчи материаллардан фойдаланишда кўпол камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу сабабли фақат ўтган йилнинг ўзида асосий ишлаб чиқаришдан ташқари 350 минг сўмликдан зиёд зарар кўрилди. Айниқса, каустик содедан фойдаланишдаги хўжасизлик билан асло муросa қилиб бўлмайди. Шу пайтгача у пландагидан 458,7 тонна, яъни 80 минг сўмлик кўп сарфланди. Корхонани техник жиҳатдан қуроллантириш ва иш режимининг бузилиш ҳоллари олдини олишга етарли эътибор берилмаяпти. Корхонада 1983 йилда чет элдан келтирилган 462 минг сўмлик техника воситаларидан шу пайтгача фойдаланилмаётгани бундан яққол далолат бериб турибди.

Тошбақа юриш

Хоразм «Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва кўплаб қурилиш ташкилотлари Оролбўйи регионида яшайдиган аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига юклатилган вазифага совуққонлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Туямўйин — Урганч сув линияси қурилиши сабабсиз чўзиб юбориляпти. Ишни яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар кўрилмаётгани сабабли кейинги пайтларда белгиланган планлар ҳам ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Бунинг устига бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати жуда паст. Мутасадди раҳбарлар қурилиш объектларини турли жиҳозлар ва зарур материаллар билан таъминлашни ҳамон пайсалга солмоқдалар. Сув таъминоти ва канализация иншоотлари учун ажратилган маблағларнинг вақтида ўзлаштирилмай, қурилиш территориясида тартибсиз сочилиб ётиши ҳам қурилиш-монтаж ишларини янада қийинлаштириб юбормоқда.

«Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги Оролбўйи аҳолисига қимматга тушяпти. Айни пайтда область аҳолисининг 41 процентигина ичимлик сув билан таъминланган, холос. Қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич 20—25 процентни ташкил этади. Айниқса, Амударё сувининг саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан ифлосланаётгани катта ташвиш туғдирмоқда. Устиғаустак областдаги 30 та артезиан қудуқнинг ярмидан кўпроғи ишламаяпти. Ишлаётганларининг аксарияти ҳам сув қувурларининг ниҳоятда эскилиги ва тозалаш иншоотларининг йўқлиги туфайли санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди.

Қадрсиз кадрлар

Қорақалпоғистон АССРда агросаноат комплекси учун чорвадор ва механизатор кадрлар тайёрлашга панжа орасидан қаралмоқда. Аввало, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг пухта билим олиши учун шароит яратилмаган. Айниқса, қишлоқ жойларидаги ўқув бинолари ачинарли аҳволда. Кўплаб билим юртларида кўргазмали қуроллар ва ўқув қўлланмалари етишмайди. Автоном областда фақат 2 йил давомида мингдан зиёд ўқувчи ҳунар-техника билим юртларини ташлаб кетишди.

Бундан ташқари, ҳунар-техника билим юртлари битирувчиларини иш билан таъминлашда ҳам қатор нуқсонлар бор. Битирувчилар муайян хўжаликларга бириктириб қўйилмагани оқибатида уларнинг кўпчилиги ўз соҳалари бўйича ишламаяпти. Масалан, ўтган йили билим юртларини битирган 6109 мутахассис ишчининг атиги 3722 нафаригина ўз соҳаси бўйича ишга жойлашди, холос.

В. ШТАПОВ.

Халқ контроли ва газета

Таъсирчан ёрдам

Наманган райони аҳолиси ўзининг севимли газетаси «Учқун»да ҳар ойда мунтазам бериб бориладиган «Халқ контроли саҳифаси», «Халқ назорат қилади» саҳифаларининг чиқишини орзиқиб кутади. Бу бежиз эмас, албатта. Газетхонлар ушбу саҳифаларда халқ контроли органларининг ҳозирги қайта қуриш шароитидаги фаолияти — уй-жой қурилиши, озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планларининг бажарилишини назорат қилиш, иқтисод ва тежамкорлик ҳамда бошқа соҳаларда олиб бораётган ишлари билан танишадилар.

Газета коллективи саҳифалар материалларининг қизиқарли ва ҳаётий чиқиши учун район халқ контроли комитети билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Редакция қошида халқ контролининг ошкоралигини кучайтириш мақсадида махсус группа тузилган. Унинг аъзолари халқ контроли комитети йиғилишларида, ўтказилаётган текшириш ва рейдларда мунтазам иштирок этишади. Ҳамкорликда тайёрланган материаллар «Район халқ контроли комитетида», «Назоратчилар ҳақида ҳикоялар», «Халқ контроли фотоайбномаси», «Халқ контроли: текшириш ва самара» каби рубрикалар остида бериб борилади.

Халқ контроли саҳифаларида танқидий мақолалар, фельетонлар, фотоайбномалар бериб бориш билан чегараланиб қолмай, балки уларга олинадиган жавобларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, шу йил газетанинг 8 апрель сонида «Учқун» материаллари изидан» рубрикаси остида «Хўжасизлик учун жазо» сарлавҳали материал эълон қилинган. Унда газетанинг 28 февраль сонида «Имтиёзлар суиистеъмол қилинмасин» сарлавҳали танқидий мақоласига район агросаноат бирлашмаси раиси Қ. Қосимовдан олинган жавоб хати шарҳлаб берилган. Ушбу мақола юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилгани батафсил ҳикоя қилинди.

Шунингдек, район меҳнаткашлари газета саҳифаларида илғор назоратчилар, халқ контроли группалари раисларининг ташаббуслари тўғрисидаги мақолалар билан ҳам танишиб борадилар. Бу эса халқ назоратчиларига ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибалари билан ўртоқлашиш имконини беради. Газетанинг халқ контроли фаолиятига бағишланган саҳифаларида «Ҳажв дафтаридан» рубрикаси остида шеърлар, масаллар, фотоайбнома ва расмлар бериб борилиши, унинг янада ўқишли бўлишига ёрдам бермоқда.

Яқинда район халқ контроли комитети газета орқали район хўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланиш, аҳолига кино хизмати кўрсатиш, уй-жой қурилишининг сифати масалалари юзасидан текширишлар ўтказишни планлаштираётганини хабар қилиб, газетхонларнинг бу ҳақдаги фикрлари билан қизиқди. Район меҳнаткашлари ушбу соҳалардаги камчилик ва нуқсонлар тўғрисида редакция ва район халқ контроли комитетига кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдиришди. Бу эса ўз навбатида текшириш вақтида қайси муаммоларга кўпроқ эътибор бериш ва чуқурроқ ўрганишда яқиндан ёрдам берди.

Лекин бу ҳамма ишлар жойида, деган гап эмас. Халқ контроли фаолиятига оид айрим материаллар умумий гаплардан иборат бўлиб қоляпти. Газета олдида иқтисодий ислоҳот даврида халқ контролининг тутган ўрнини, унинг меҳнат коллективлари кенгашлари, халқ депутатлари Советлари доимий комиссиялари ҳамда касаба союз, «Комсомол прожектори», маъмурий органлар билан ҳамкорлиги масалаларини янада чуқурроқ ёритиш вазифаси турибди.

Умуман, «Учқун» район газетаси халқ контроли органлари ишининг ошкоралигини таъминлашда, аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда халқ назоратчиларига яқиндан ёрдам бермоқда.

А. МАХСУМОВ,

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети инспектори.

• Менинг фикримча...

ИСЛОҲ ЗАРУР

Бугун барча соҳаларда, жумладан халқ назоратчилари фаолиятида ҳам гапдан амалий ишга ўтиш вақти етди. Чунки халқ назоратчилари катта куч эканлиги амалда сезилмай қоляпти. Масалан, Самарқанд областининг ўзида қариб 60 минг халқ назоратчиси бор. Лекин уларнинг фаолияти кутилган самарани бермаяпти.

Фикримча, бу кучни ҳаракатга келтириш учун халқ назорати системасида ҳам замон руҳи асосида жиддий ислоҳ ўтказадиган вақт келди. Назоратчиларни номигагина сайлашдан воз кечиб, ошкоралик, демократия асосида қайта қуришнинг чинакам жонкуярларини сайлаш шарт.

Яна бир масала. Кейинги пайтда жуда кўп қонунлар қабул қилиняпти. Умумхалқ муҳокамаси пайтида таклиф, мулоҳазалар билдириляпти. Лекин кўпинча улар асосий қонунларга кирмай қолаётир. Бундан ташқари давлат корхоналари (бирлашмалари) ва кооперация ҳақидаги СССР қонунлари халқ контроли тўғрисидаги Қонун билан мослаштирилмаган.

Ҳозир областда текширувчи ташкилотлар фаолиятини марказлаштириш борасида амалий тадбирлар кўрилмоқда. Шу асосда ҳаммамиз биргаликда, бир вақтда комплекс текширув ўтказиш имкониятига эга бўламиз. Бу, вазифани анча ойдинлаштиради, текширув масъулиятини оширади. Назаримда, қайта қуриш талаблари асосида иш кўриш учун бу тартибни ҳам қонунлаштирмоқ керак. Зеро, биз ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан борар эканмиз, ҳар бир ҳаракат қонунда ўз ифодасини топиши лозим.

М. АБДУРАҲИМОВ,

Самарқанд область халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари.

• Ажаб савдолар •

Жазава

Сурхондарё областининг Гагарин районидаги 253-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи В. Маҳмудов гурар жой биноларини қабул қилиб олганлик тўғрисидаги актга Ч. Абдуллаев имзо чекиши биланоқ, хурсанд бўлганидан бошидаги қурувчилар каскасини осмонга отиб, ўйинга туша кетди. Маҳмудов осмонга иргитиб юборган каскаси бир зум ўтмай ўзининг бошига қайтиб тушганига ҳам парво қилмай ўйнайверди. Бу пайтда район агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосар Ч. Абдуллаев дўстининг бу аҳволидан қотиб-қотиб куларди.

Ниҳоят Маҳмудов Абдуллаевга ҳамду санолар айтиб, қурилиш томон шошиб кетди. У йўл-йўлакай ўзининг уддабуронлигига ўзи қойил қолиб борарди: тўғри-да, коллективи областда илғорлар сафида борянти. Бирор йиғилиш йўқки, 253-колонна ютуғи тилга олинмаса. Мана, район агросаноат бирлашмаси ходимлари учун қурилган 10 та турар жой биносини ҳам хамирдан қил суғургандек топшириб олди. Энди мақтовлар устига яна мақтовлар ёғилади. Балки уни бирор мукофотга тавсия этишар. Маҳмудов шуларни ўйлаб, қурилишга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Бошлиғининг оғзи қулоғидалигини кўриб, қурувчилар ҳам гап нимада эканлигини дарров тушунишди. Ҳаш-паш дегунча қурилиш объектида зоғ ҳам қолгани йўқ.

Шундан сўнг район раҳбарлари бу янги биноларга яқин йўлашмади. Фақат одамларга ордерлар берилгандагина қурувчилар ишининг миси чиқа бошлади. Область халқ контроли комитетининг аралашувидан кейин маълум бўлдики, қурилиш ишлари тўла бажарилмаган. Бинолар номигагина янги холос. Илк ёмғирдаёқ томларидан чакка ўтиб, деворлари сарғайиб кетган. Эшиклари ёпилса очилмайди, очилса ёпилмайди. Дераза ромларининг тирқишидан эса кўчани бемалол томоша қилиш мумкин.

Айни пайтда қурилиш объектларини тезроқ топширишга ошиққан 253-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи В. Маҳмудов хурсандчилик ўрнига жазавага тушмоқда. Кўзини юмиб актга имзо чеккан Ч. Абдуллаев эса ҳаҳаҳа отиш у ёқда турсин, тишининг оқини кўрсатишга ҳам қурби етмаяпти.

Тескари мусобақа

Фарғона области районлари ўртасида аҳолига кам ва сифатсиз маиший хизмат кўрсатиш бўйича антиқа мусобақа ўтказилди. Мусобақага одатдаги ҳакамлар эмас, балки область халқ контроли комитети ходимлари ҳакамлик қилдилар. Узоқ давом этган тортишув, баҳс ва мунозаралардан сўнг беллашувнинг барча турлари бўйича Тошлоқ район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ўзига хос рекорд ўрнатгани маълум бўлди.

Негаки, улар аҳолига кам ва сифатсиз хизмат кўрсатиш бўйича ўз ҳамкасбларини тўзонда қолдириб кетишди. Брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва харидорлар ҳақига хиёнат қилиш борасида эса уларнинг олдига тушадигани топилмади. Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг бундай «муваффақиятга» эришишларида бу соҳага мутасадди раҳбарларнинг панжа орасидан қарашаётгани, айниқса қўл келди. Жумладан, район аҳолисига мебель тайёрлаш ва ремонт қилиш турлари юзасидан шу пайтгача хизмат кўрсатиш ташкил этилмаган. Текшириш пайтида район маиший хизмат кўрсатиш уйи чеварлари томонидан тикилган 52 та тайёр маҳсулотнинг 43 таси брак деб топилди. Ана шундай брак ва сифатсиз кўплаб маҳсулотлар эса омборхоналарда босилиб ётибди.

Мусобақа якунида ҳакамлар томонидан район мутасадди раҳбарларининг бу соҳани ривожлантиришдаги ўзига хос иш усул ва услублари алоҳида қайд этиб ўтилди. Бу борада орттирган тажрибалари инобатга олиниб, район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи М. Мелибоев ва бош инженери Н. Миноваров «хизмати»га яраша виговор билан» мукофотландилар.

Расмларни М. УНГАРОВ чизган.

● Биз, қарийб 10 йил чайналиб, гоҳ «байналминалчи», гоҳ «чегараланган контингент» деб отини тополмай юрган мардумайдон ўғлонларни халқ бугун соддагина қилиб «афғон йигитлари» деб атайди: бу улар қон кечган юртга ишорами, ёки сўз маъзидаги дард ва аламми, у халқ даҳосига ҳавола... Ғалаба байрами арафасида «афғон» йигитларидан уч киши кутилмаганда редакцияни зиёрат этишди. Улар: «Жангчи дўстимизни қутқаришга ёрдам беринг!» — дейишганда даъфатан хаёл қаёқларга учмади дейсиз. Гап асир тушган йигит устида боряптимикан-а? Наҳотки, жангчи йигитлар биз журналистларни ошкоралик қанотида мамлакат ташқарисидаги вазифаларга ҳам қодир деб тасаввур қилишса? Ишонч учун раҳмат... Лекин буёғи қандоқ бўлди? Уларга қандай тасалли бериш мумкин? Токи навқирон ва жўшқин қалблар шунчалар умид боғлаган демократия ва ошкоралик қанотига ҳам заҳа етмасин, реал имконият-га ҳам!..

— Кечирасизлар, дўстингиз... қайси мамлакатда?

— Мамлакатингиз нимаси? Ҳасанбойда. Пойтахтдан 12 километр!..

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

«АФҒОН» НИДОСИ

Ижтимоий очерк

ИНТЕРНАЦИОНАЛ жангчи йигитлар ғазабини жунбушга келтирган воқеа нима эди? Маълум бўлишича, шу 21 апрель куни «Тез ёрдам» машинасида келтирилган биринчи группа инвалиди Равшан Мақсудов ТошМИ ва Ўзбекистон травмотология ва ортопедия илмий-текшириш институти клиникалари остонасида кун бўйи саргайиб кутган, оқибатда ногирон жангчи йигитга на битта жой, на малҳам бўлардик бир оғиз ширин сўз топилмаган.... Фожиа жой танламайди. У Афғонистон ва Покистонда бўлгани каби собиқ жангчини Ҳасанбойда ҳам бемалол чалиб йиқитиши мумкин!

Ҳасанбойда колхоз тутзорининг қоровули Муродали ака Мақсудовнинг хонадонида нохуш манзара устидан чиқдик: дарвоза йўлагида тун кийиб, бел боғлаган йигитлар мотамсаро туришибди. Юрак увишиб, дарвоза қаршисида тўхтаб қолганимизда, редакцияда учрашган жангчи йигитлардан бири сафдан узилиб бизга қарши чиқди: «Келдиларингми...» Бизнинг серрайиб қолганимизни сезгач, секин шивирлади: «Бувиси...» Сўнгра оғирлигини чап томонга солиб, бир қўлининг енгини белбоғига қистирган норғул йигитнинг ёнига бошлади:

— Танишинглар, Равшанжон Мақсудов!

Равшанлар хонадони бизнинг ташрифимиздан мутлақо бехабар экан. Бир томони мотамчилик. Суҳбатимиз қовушмади. Начора, осон тутиб бўлмайди. Йигирма бир ёшли суқсурдек йигитнинг бир қўл, бир оёғи йўқ... Тан жароҳатигина эмас, уни энди дил жароҳати ҳам эзмоқда... Катта йўлнинг у бетидаги Ҳасанбой поликлиникасигача 500 метр. Лекин мудир Тўлқин Тожиевич Шамсиддинов ўзининг мутахассис эмаслигини рўкач қилиб, бир йилдан буён ётган Равшанни кўрмаганлигини оқламоқчи бўлади.

Ногирон йигит ким ўзи? Москвада, сўнгра Махачқалъада у ҳақда китоб чиққан. «Уч бора ўлиб тирилган» деб номланган очерк қаҳрамонининг тақдири ҳақида унинг взвод командири В. Григорьев шундай ёзади:

«Одамзод аслида энг ҳайратли мавжудот. Пўлатни эгиш мумкин, лекин уни эгиб бўлмайди. Баъзан эса, инсон — ўлмас жон, битмас-туганмас қудрат! Ақл бовар қилмас мўъжиза! Мана, ўзингиз баҳоланг: пиёда аскарлар жанговар машинасининг ҳайдовчиси тошкентлик Равшан Мақсудов уч марта портлаган мина устида қолди... ва тирик! Сапёрлар ҳам бундай ҳодисани эслашолмайди. «Минага бир марта оёқ қўясан», деган сапёрлар нақли рад этилмадими? Биринчи марта мина Равшан бошқариб бораётган жанговар машинани йўлдан отиб юборди. Ҳайдовчи ўтирган ўриндиқ ёнидан очилган туйнукдан жангчиларни тортиб олишди. Кейин душманнинг ўт очиш нуқтасига отилиб чиққанда ўнг оёғи мина устига тушди...»

Равшан эслайди: «Осмонда учиб бораётган этигимни кўрганимни биламан, холос...

— Э, воҳ, этик ичида оёқ ҳам бор эди! Ниқилганда эса чап қўлим билан душманнинг учинчи минаси устига тушибман. Яна бир ажал уяси камайди. Бир неча дақиқадан сўнг бутун взвод ана шу миналар устига «юриш» қилиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Равшан дўстларини сақлаб қолди.

Командир В. Григорьев ёзади: «Мард ўзбек йигитини жанговар машинада Қандаҳорга олиб боришди. У ерда: яшашдан умид йўқ, дейилганда Қобулга жўнатилар. Бу ерда ҳам энг охирги чора сифатида Москвадаги Бурденко госпиталига олиб учишди. Қайта-қайта операциялар, қон қуйишлар, муолажалар ва меҳр-шафқатдан сўнг ўн иккинчи куни кўзини очган йигит ёнидаги ҳамширадан зўрға сўради: «Мен қаердаман?» «Ўз уйингдасан, солдат!» Равшанда жонланиш пайдо бўлди: «Тошкентдаманми?»

Тошкентга у ана шундай интиқ ва интизор кўз тиқ канди. Орадан олти ой ўтиб, қўлтиқтаёқ ва оғир протезда бундан икки йил муқаддам бургутдек учган Тошкентига қайтди. Яна бир йилдан сўнг оёқ (ампутацияси) кесилган жойидан протез касофати билан заҳа бошланди. Бироқ жангчи йигитни қучоғига оладиган касалхона Тошкентда топилмади!

— «Тез ёрдам» машинасида икки ҳамшира — Башорат опа ва Дилором Мақсудова (Равшаннинг ойиси) оғир аҳволдаги жангчи йигитни Тошкентдай азим шаҳарда кун бўйи бирорта ҳам шифохонага жойлай олмадилар? Нега оғриқ зўридан инграб турган йигитни кўрабила туриб, унга мурувват қўлини чўзадиган, бир ширин сўз айтадиган шифокор топилмади? Ногирон, жувонмард жангчи билан шундай муносабатда бўлиниса, бу остоналарга узоқ-узоқлардан келиб бош урган «оддий» беморларнинг аҳволи нима кечаркин? Гиппократ қасамёдига садоқат қани?

ЎЗБЕКИСТОН ССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари Д. А. Асадов бизни диққат билан тинглар экан, бир неча бор ички ғазаб ва нафрат билан тўлганиб қўйди: «Эҳ, кўпдан буён бундай тошмеҳрларни қўлга туширолмай доғда эдик, доғда эдик... Раҳмат сизларга, раҳмат... Буёғини энди бизга қўйиб берасиз!»

«Тошмеҳрлар» изидан бориш ниятимиз борлигини айтганимизда, Дамин Абдураҳимович кабинетга икки кишини таклиф қилди: Менглиқулов Парахат Рисқулович — даволаш бошқармасида бўлим бошлиғи экан. Калинин Виктор Михайлович — хирургик касалликларни даволаш бўйича врач инспектор...

Бу юқори маҳкамада интернационал жангчиларга кўрсатилаётган меҳру-шафқат юзасидан кўпдан-кўп қоғозлар тўпланган. Министрлик даволаш бошқармаси ўз ташаббуси билан биринчи группа инвалиди бўлган икки интернационал жангчини оталиққа ҳам олишибди!

— Марҳамат, — деб қолди Парахат Рисқулович қоғоз тутиб. — Уларнинг фамилиясини ёзиб олишингиз мумкин: Пўлатов Абдусаттор Собир Раҳимов райони, 22-квартал (?), 13-уй, 3-квартира.

Иккинчиси — Қосимов Тошпўлат, Сағбон кўчаси, 2-тупик, 157-уй.

Республика Соғлиқни сақлаш бош штабида интернационал жангчиларнинг шундай ғамхўр кишилари бўлса ким ҳам қувонмайди дейсиз. Ён дафтарга бу «факт»ларни қайд этмаслик гуноҳ бўлар дедим-да, ёзатуриб пойтахтдан 12 километр нариданги Ҳасанбойда шифокор шафқатига кўз тутиб ётган Равшан Мақсудовни эсладим...

— Кечирасиз, оталигингиздаги йигитлар қандай жароҳат олишган?

«Оталар» кутилмаган ҳолатда кўз уриштириб олишгач, Парахат Рисқулович жавоб қилдилар:

— Машина уриб кетган...

— Иккинчисини-чи?

— Униси... машина остида қолган!

Бўлса бордир, урушда нималар бўлмайди дейсиз. Юзлаб, минглаб жангчиларнинг уруш тақдири аслида битта сўз билан ифодаланади: «Ўқ еган, вассалом!». Бу ўринда ҳам балки шундайдир. «Оталар»и шундай ғувоҳлик берянти-ку, ахир. Лекин армонли ўхшашлик-а, шундай эмасми?

— Улар билан боғланса бўладими, телефонлари қанақа?

Афсус, бунга ҳеч ким айтолмади, уюм-уюм қоғозлар ҳам лол эди.

Соғлиқни сақлаш министрлигидаги сокин вазият, шифокорларга хос ширинсўзанлик, такаллуф ва юксак маданият хусусидаги ўша кунги суҳбат барибир ёдимизда қолади. Министрлик бош йўлагида одамлар ғужғон бўлишига қарамай, жиддий қиёфали вахтер ҳам, қабулхонадаги хушсуҳан секретарь опамиз ҳам одамларни беҳато танишади: «Редакциядан-мисиз? Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Дамин Абдураҳимович сизни кутмоқдалар!» Бундай илтифотни ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда матбуот ва уни ҳалол сўзга ошно қилган қайта қуришга йўйгим келади. Бир неча дақиқадан сўнг министрлик вакили В. Калинин билан бизни пастда гараж диспетчери Лидия Васильевна Шорнилова кутиб турар эди. Ниҳоят министрлик билан газетанинг «Тошмеҳрлар изидан...» операцияси бошланди. Қисқа муддатда интернационал жангчини шаҳарда олиб юрган «тез ёрдам» машинаси ҳамшираси Башорат опа ва Ҳасанбойдаги 2-поликлиника раҳбарлари билан учрашдик. «Команда»га икки ҳамшира Башорат опа ва Дилором Мақсудова қўшилди. Бир оздан кейин биз ТошМИ 1-клиник шифохонаси бош врачи С. Х. Мирҳўжаев кабинетида ўтирардик:

— Бўлиб ўтган воқеага врач сифатида қандай баҳо берасиз?

— Тошмеҳрлик бу! Бошқача сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Бош врач бу борада министр ўринбосари Д. А. Асадовнинг жавобини айнан қайтаргани балки тасодифдир, бундан ҳеч қандай «сир» ахтармаса ҳам бўлади. Лекин бош врачни ҳам тушуниш керак.

— Бизда 500 дан ортиқ врач хизмат қилади, — деб қолди ҳасрат билан Соқи Хўжаевич, — мумкин бўлса, саволингизга даволаш бўйича биринчи ўринбосарим Ғаффоров жавоб берса...

Райим Ғаффоров «ЧП»га яқинроқ бориши таклиф қилар экан, йўлдаёқ «эстафета таёқчасини» кимга тутқазиш ни ўйларди:

— Бизда 2500 та бемор ўрни бор... Мумкин бўлса, саволингизга хирургия бўйича ўринбосарим Бўрихўжаев жавоб берсин!

Бир оздан кейин бош врач ва унинг биринчи ўринбосари жойлашган 12-корпусни тарк этиб, коридорлардан ўтиб, узун бўшлиққа етиб келдик. Ниҳоят 9-корпус бошланди. Биров бошламаса адашиб кетгулик шаҳарча бу ТошМИ деганлари! Даволаш корпуслари, маъмурий бинолар: кетма-кет, остинма-устун, қаватма-қават! Кенг ва шинам хоналар, кабинетлар, оппоқ чойшабларга ўралган юмшоқ ўриндиқлар, диванлар устида теннис ўйнаса бўладиган ярқироқ столлар! Шифтда кўзни қамаштирган қандиллар, оёқ остида чўғдек гиламлар... Бунда беморлар «нулбаси»да кўрган манзараларга сира дуч келмайсиз: палаталар оламида эса — ғужғон ўйнаган суваракдар, оёғингдан чаладиган йиртиқ-ямоқ линиолиумлар, бели чиқиб кетган поллар, сувоғи кўчган деворлар... Бу ерда қишда иссиқ, ёзда муздек шабада уфурадиган конденционерларни қидириб оғриб бўлманг. Ажабо, кабинетлар ва палаталар орасида осмон билан ерча фарқ. Нега шундай? Палаталарда ором олиб, даволанишга, кабинетларда эса ишлаш учун келишни наҳотки унутиб қўйсалар?

Янги танишган «ўринбосаримиз»ни бир қарашда нақ касалпарвар деса ҳам бўлади:

— Бемор қани? — деб «ҳужум»га ўтди ўринбосар Ғ. Бўрихўжаев. — Бу ер касалхона, биз бемор билан гаплашамиз, қани у!

— Бемор уйда ётибди, — деб изоҳ беришга тўғри келди.—Бу ерга унинг онаси билан поликлиника ҳамшираси келишган, холос.

— Биз врачлармиз, суҳбатимизда ҳамширалар иштирок этишига рухсат беролмайман! Марҳамат, чиқиб туришсин!

Начора, салтанат эгасининг ҳукми — ҳукм! Ўтган сафар бу даргоҳдан ногирон жангчининг ўзи қувилган эди, бугун эса унинг онасини ҳайдаб чиқардилар. Бу ҳақдаги мулоқот пайтида бош врач оғир уф тортиб изоҳ берди: «Ёмон бўлибди... Биласизми, у кимнинг ўғли? Собиқ республика прокурорининг ўғли-я!».

— Суяк остеомиелити бўйича республика маркази сизнинг тасарруфингизда, Ғулом Номанович, юз берган воқеага қандай қарайсиз?

— Бу иш билан марказ бўйича ўринбосарим Тошпўлатов шуғулланади. Мумкин бўлса...

Марказ раҳбари А. Ғ. Тошпўлатов ҳам анойилардан эмас экан, ўз навбатида у ҳам «ўринбосари» — ўша кунги навбатчи врач Ҳамдамбоевни қоралаб, мағзавани унга ағдариб турганда, врачнинг ўзи келиб қолди.

— Ҳаммасига оддий врач жавобгар экан-да, — юракдаги тўкиб солди И. Ҳамдамбоев. — Беморлар тақдирини сиз — мана бу креслоларда ўтирган амалдорлар ҳал қиласизлар-ку, ахир. Ўша куни ҳам мен марказ раҳбари Абдувоҳид Тошпўлатовни воқиф қилганман: жангчи, биринчи группа инвалиди ва ҳоказолар деб айтганман. Раҳбарлар эса «жой йўқ, бир ҳафтадан кейин келсин», дейишди. Мен ҳам унинг қўлига ана шундай «хулоса» ёзиб беришга мажбур бўлганман. Аслида менинг бошқа иложим ҳам йўқ эди. «Приёмний покой»да ўтирган врачда аслида ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ!

Ҳамдамбоев шоҳидлигига «баҳо» бериш бизга қийин, албатта. Лекин шуниси равшанки, навбатчи врачнинг «ўринбосари» йўқ. Шу сабаб ҳам ўзига-ўзи жавоб беради! Айни пайтда унинг ҳеч қандай ҳуқуқи ҳам йўқ. Аниқроғи, юқоридаги казо-казоларнинг пастдаги соясн, холос. Шу боисдан уни айблаш адолатдан бўлармикан?

Юзага келган воқеаларга партиявий баҳо берармикан, деган мақсадда клиника партком секретари Абдуҳаким Абдурашидович Абдуллаевни ахтардик. Тушлик эндигина тарқагану, секретарь еру-кўкда йўқ. Фақат изоҳ олдик. «Дори келтиргани базага кетган бўлсалар керак. У киши бизда аптека мудири...»

* * *

Иккинчи адрес — республика травматология ва ортопедия институтида бутун бир қаватни эгаллаган маъмурий хоналардан вахтердан бўлак ҳеч кимни топиб бўлмади. Ҳали иш тугашига 2 соат вақт бўлишига қарамай, министрлик вакили Ўртоқ Калинин бир қанча хоналар ва кабинетларни қайта-қайта тортиб, ўз кўзига ишонмасди: «Ахир, ҳозиргина ўзим ТошМИдан қўнғироқ қилган эдим-ку?!» Гап қўнғироқдами? Начора, бу шифо масканида навбатчи врач Бахтиёр Азизов ва поликлиника мудири Камол Абдуллаевлар томонидан юз берган тошмеҳрлик чангалини ечиш имкони бўлмади. Бунга министрлик ҳам қодир эмас экан! Бир кунлик сафаримизни институт остонасида ниҳоясига етказиб, эртанги режаларни ўйлаб вакиллар билан хайрлашдик. Лекин эртасига врач-инспектор негадир ҳамкорлик ниятидан қайтиб турарди. Сабаб?

— Биз комиссия тузишга қарор қилдик. Келинг, бошимизни ортиқча қотириб нима қиламиз? Комиссия текширсин... Кейин, марҳамат, келинг, бирга муҳокама қиламиз. Раҳбарлар шундай фикрда.

— Комиссия ўз йўлига, лекин, Виктор Михайлович, шахсан врач сифатида бир кунлик сафаримиз ҳақида сизнинг хулосаларингиз қандай?

— Эрта-индин министрлик хулосаси тайёр бўлади...

— Шахсий нуқтаи-назарингиз-чи? Ахир, кўп жойларда бўлдингиз, одамлар билан учрашдингиз?

— Шахсий фикр... бизда шахсий фикр бўлмайди, билсангиз. Министрлик раҳбарияти қандай фикрда бўлса, биз шунга қўшиламиз...

Жавоб бериш — буйруқ бериш эмас, албатта. Бу жиҳатдан Виктор Михайловични тушунса бўлади. Лекин бемор сизни тушунармикан?

ВРАЧ-ИНСПЕКТОР ҳузурида пайдо бўлган киши «травмотология» институтининг кеча биз кўриша олмаган бош врачи Қадамбек Йўлдошев экан. У суҳбатимизга жим қулоқ соларкан, афтидан ниманидир кутарди. Куни кеча ҳамма эшикларидан баб-баравар илтифот ёғилиб турган министрлик коридорларидан ўтиб бораркан-ман, Дамин Абдураҳимович қабулхонасига кўз ташлагим келди. Лекин бир кунда бу ерда ҳам ҳамма «нотаниш» эди. Министр ўринбосари «банд» экан. Биз бошқа қиргоқда, шифокорлар бош штаби эса бошқа қиргоқда суза бошлади. Министрлик остонасида Қадамбек Йўлдошев мени тўхтатганда умуман бу соҳа вакиллари ҳақида қандай ўй-хаёллар сураётганимни айтишга, рости, ҳозир истиҳола қиламан.

— Кечирасиз, — деб тўхтатди у мени. — Менга ўша «афғон» йигитнинг адресини беролмайсизми? Бормоқчи эдим олдига. Ўзим бир кўрмоқчи эдим...

Бош врачнинг медицина тамғали «Москвич»ида ўзоқ пайт бир-биримизга чурқ этмай кетдик. Машина эгасининг хоҳишига кўра йўлни Ҳасанбойга — Равшанларникига бурдик. «Министрликдан қўшимча топшириқ бўлса керак-да, ёки янги тузилган комиссия аъзосимикан?»

Йўқ, мен энди ўз хатоимни мутлақо тан олишга тайёрман: униси ҳам эмас, бунниси ҳам эмас, Қадамбек Йўлдошев — Равшанлар ойласига, «афғон» йигитларига ҳамдард эди, холос. Унинг ўғли Ваҳобжон ҳам худди ўша кезда афғон урушининг азиятини чекиб, Киев госпиталида ётарди...

— Мен суяк касаллиги— остеомиелит бўйича мутахассисман, — деб қолди бош врач. — Бахтга қарши жангчи йигит келганда кўришолмабмиз, энди ўзим бориб кўриб қўя қолай. Биз ҳам катта коллективмиз, 300 одам ишлайди институтда. Директоримиз Ўнгбоев ҳам юз берган воқеадан жуда-жуда ўксиндилар. Айбдорларни жазолаб қарор чиқардик. Гап жазода ҳам эмас. Воқеанинг ўзи хунук, жангчи йигит касалхона эшиги остонасидан бир илиқ сўз эшитмай кетиши уят. Кеча ҳам бир ногирон йигитни протез заводига ўзим бошлаб кетганимда министрликдан қидиришган экан...

Ажабо, бош врачнинг «ўринбосари» йўқмикан? У айбни кимгадир ағдармаганига ишонқирамай турганимда машинамиз манзилга етган эди. Қадамбек ака Равшанни елкасидан қучоқлар экан. кўзларида йилтиллаган ёшни яшириб улгурмади...

Кутилмаганда Қадамбек Йўлдошев «орқага қайтмайдиганлардан» чиқиб қолди... Районда бизга район бош врачи Худойберди Раҳмедов ҳамроҳлик қилди. Министрлик рози бўлмаса ҳам «тошмеҳрлар» изидан охиригача боришда давом этдик.

(Охири келгуси сонда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

АНДИЖОН ИНДУСТРИАЛЬ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери), **қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш** (техник-электромеханик, ишлаб чиқариш таълими мастери), **автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш** (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери) **мутахассисликлари бўйича.**

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери), **автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш** (техник-механик, ишлаб чиқариш таълими мастери) **мутахассисликлари бўйича.**

Техникумга ҳунар-техника билим юртларини битирган ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, ўзлари ўқиган билим юртларидан ёки область халқ таълими бошқармасидан йўлланма, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, ўқиш ёки иш (меҳнат стажига эга бўлганлар учун) жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун), соғлиги ҳақида 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмда 8 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки хизматга чақирилиши ҳақидаги шаҳодатнома, трактор ва автомобиль бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, ҳамда комсомол билети шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 14 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади: танлаган ихтисоси бўйича синов, математика (оғзаки), **она тили ва адабиёти** (ишоҳ).

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан ўтказилади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, ёғли-қишки кийим, стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш муддати ҳамма ихтисослар учун 2 йилу 10 ой.

Техникум ҳунар-техника билим юртлари учун ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўрта мактаблар ва ўқув комбинатлари учун ўқув ишлаб чиқариш таълими ўқитувчи-инструкторлари, колхоз ва совхозлар учун машина трактор ҳамда автомобиль парклларидан фойдаланиш бўйича кенг профилли техник-механик, техник электромеханиклар тайёрлайди. «Автомобилларни ремонт қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» бўлимини битирганларга «В» категориядаги транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳам қўшиб берилади.

Адрес: 710000, Андижон шаҳри, Парковая кўчаси, 78-«В» уй. Телефон: 5-26-62.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

15-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар уч йил муддатда монтажчи-гишт терувчи, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, электр, газ пайвандчи, дурадгор-мебелчи касбларини эгаллайдилар.

Бу касбларни эгаллаш учун 15 ёш ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

6 ойлик курсларга ҳарбий мажбуриятни шу йилнинг май ойидан бошлаб ўтаб қайтганлар, шунингдек, 10-синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Уларга 75 сўм миқдорида стипендия тўланиб, улар юқори вольтли ҳаво, линияларида катта кучланишли электр тармоқлари бўйича мутахассис, электр газ пайвандчи, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчи, слесарь-сантехник мутахассисликларига ўқитилади.

Йиллик курсларга 10-синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга темир йўл ва метрополитенда автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини жиҳозлаш, бўёқчи-сувоқчилар, дурадгор, электр-газ пайвандчи, гишт терувчи ва пардозловчи касблари ўргатилади ва уларга 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар 4 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош, узоқдан келганлар ётоқхона билан, бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланади.

Ўқиш вақти узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишни имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланмалар берилади.

Улар институтга конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар 1 сентябргача қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки етуклик аттестати, турар жойидан справка, 5 та 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, соғлиги тўғрисида 086/У формадаги медицина справкаси, характеристика.

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 113-уй (26, 151, 161, 15, 48, 61, 154-автобусларнинг «Иззат» бекати). Телефон: 96-17-61.

«ОПТИМУМ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ

қурилиш-монтаж ташкилотлари, корхоналари ва автотранспорт корхоналарини хўжалик фаолиятининг ижара пудрати ва кооператив формаларига тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек хўжалик ҳисобининг турлича моделларини жорий қилиш ва ўзлаштириш бўйича юқори

МАЛАКАЛИ МЕТОДИК ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ

Куннинг исталган вақтида қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 68-52-77, 67-20-09, 24-73-18, 24-41-24.

Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, 151абонент қутиси, «Оптимум» фирмаси.

«ОПТИМУМ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси маъмурияти

Ўзбекистон ССР халқ артисти Бобомурод ҲАМДАМОВнинг бетоблиги сабабли 20—21 июнь кунларига эълон қилинган

КОНЦЕРТЛАР

бошқа кунга кўчирилганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Билетларни кассаларга қайтариш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти коллективи институтнинг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати

Жўрахон Усмонович УСМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан биддириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

● МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ МУЗЕЙ ХИЗМАТДА

Қашқадарё область Қарши шаҳридаги Максим Горький номли кутубхонада адабиёт ва санъат музейи очилди ва шаҳар меҳнаткашлари ҳамда меҳмонларга хизмат қилишга киришди. Музейда мазкур областда истиқомат қилувчи адабиётчилар, рассомлар, скульпторларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Бу ерга келувчилар адабиёт ва санъат асарларини кўздан кечириш билан бирга асарлар муаллифлари таржимаи ҳоллари билан ҳам танишадилар.

Мазкур маданий маскан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Қашқадарё области бўлими, шунингдек область ижроия комитети маданият бўлимининг ташаббуси билан вужудга келди.

Суратда: музей мудири, қашқадарёлик шоир Амир Худойбердиев томошабинлар билан бирга.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«МАҲАЛЛАДОШ»НИ ЎҚИНГ

«Тошкент оқшоми» газетхонлари ўтган жума куни мазкур газетанинг навбатдаги сони билан бир қаторда унга илова тарзида чиқарила бошланган шаҳар маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш кенгашининг «Маҳалладош» янги ойлик газетасини ҳам қўлларига олишди. Маълумки, Тошкент шаҳар маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш кенгаши ҳозир ўз иш планига эга. Мазкур кенгашнинг сайёр мажлисларини ўтказиш, маҳаллалар фаолиятига оид масалаларни шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари билан ҳамкорликда муҳокама қилиш, республика партия ва ҳукумати раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этиш каби усул ва услублар қарор топмоқда. «Маҳалладош» ана шу ва бошқа соҳаларда тўпланган тажрибаларни умумлаштириб боришга, шаҳардаги мавжуд кўплаб муаммоларни ҳал этиш йўлларини таклиф этишга мўлжаллангандир.

Ўйлаймизки, «Маҳалладош» оқшомхонларнинг доимий ва дилкаш суҳбатдоши бўлиб қолади.

Муҳаррир ўринбосари Н. САЪДУЛЛАЕВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01314. Б. — 145. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12